O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ* معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган. 2002 йил 10 июль, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 53(7456)

Da'vat

Inson uchun bilim orttirishning o'zi kifoya emas, olingan bilimni taraqqiyot yo'lida sarflashni ham bilmoq lozim.

Iogann GYOTE

Ibrat

"Intal—telekom" sho'ba korxonasining Jizzax bo'limi homiyligida Yangiobod tumanidagi Chakand qishlog'ida joylashgan 6-o'rta maktab Internet tarmog'iga ulandi.



ҚЎЯЖАК ҚАДАМЛАРИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, ОЛИЙ МАЛАКАЛИ МАГИСТРЛАР!

Оқ yo'l

Ўтган шанба куни республикамиздаги 35 та олий ўқув муассасасида магистратурада ўқишни муваффақиятли якунлаган 3180 нафар йигит-қизга магистрлик дипломини топшириш маросими бўлиб ўтди. Мухбирларимиз пойтахтимиздаги бир қанча олий ўқув юртларида бўлиб, ушбу тантаналардан лавҳалар тайёрлаб қайтдилар.

Тошкент Давлат тўқимачилик ва енгил саноат институти пойтахтимиздаги барча илм масканлари орасида "тадбирларни бошлаб берувчи муассаса" дея эътироф этилади. Тантанали маросимга Президент Девонининг масъул ходимлари, турли вазирлик ва идора вакиллари, тўқимачилик ва енгил саноат соҳасидаги уюшма, корхона раҳбарлари ташриф буюрдилар.

Тадбирни институт ректори Ҳалима Алимова кириш сўзи билан очди ва битирувчиларни байрам билан табриклади. Маълумки, бу йил институт ўзининг 70 йиллик юбилейини кенг нишонлайди. Сўнгги йилларда институт ҳаётида бир қатор ижобий янгиликлар юз берди. Жумладан, ўтган йили Япония ҳукумати томонидан бу даргоҳга 4.5 млн. АҚШ долларига тенг грант ажратилди. Битирувчи-магистрлар ҳам энг замонавий техник асбоб-ускуналар ёрдамида таълим олиш имкониятига эга бўлдилар. Вазир Саидаҳрор Ғуломов ўз сўзида жорий йилдан бошлаб 20 нафар институт магистранти ушбу давлатнинг нуфузли университетларида таҳсил олиш бахтига муяссар бўлганлиги билан қутлади.

Шундан сўнг магистрларга диплом топшириш маросими очиқ деб эълон қилинди ва давлатимиз мадҳияси янгради. Институтнинг 12 нафар аъло баҳо ва намунали ҳулқ билан тамомлаган магистрантига биринчилардан бўлиб дипломлар топширилди. Талабаларга диплом топшириш маросимида иштирок этган "Ўзпахтасаноат", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзбекипаги" давлат уюшмалари, "Ўзбекчармпойафзал" бирлашмалари раҳбарлари кадрлар аукциони натижаларига кўра танлаб олинган бўлғуси мутахассисларга ўзлари диплом топширдилар ва уларга эсдалик совғаларини беришди.

* * *

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида ҳам битирувчи магистрантларга диплом топшириш маросимига ташриф буюрган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги масъул ходимлари, ЎМКҲТМ вакиллари, турли академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорлари магистрлик дипломини қабул қилиб олган талабаларни қутладилар.

2001-2002 ўқув йилида 1500 нафар бакалавр ва 150 дан зиёд магистрлик йўналишидаги мутахассислар ўқишни тамомлаб, иш фаолиятини бошламоқдалар. Таъкидлаш ўринлики, мазкур университетда ўқишни тамомлаган магистрларнинг деярли 100 фоизи иш билан таъминланиши кафолатланган. Уларнинг асосий "харидори" бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан йил бошиданоқ шартномалар имзолаб бўлинган.

(Давоми 2-бетда)

Bir tumanda ikki xil manzara

Бугунги кунда республикамизнинг турли вилоятлари, туман ва қишлоқларидаги мактабгача таълим муассасаларида қилинаётган ишлар, жорий этилаётган янгиликлар ва ўзгаришларни ўрганиш мақсадида Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманида бўлдик. Биз тумандаги қатор мактабгача таълим муассасаларига борганимизда, турли хил ҳолатларнинг (ижобий, салбий) гувоҳига айландик. Қуйида кўрган-кечирганларимиз билан Сиз ҳам танишасиз.

ПАРВОЗДАГИ "САЙЁРА"

1-МАНЗАРА

Соғлом авлодни шакллантириш учун эътиборни бошидан — бола энди дунёни таниётганидан бошлаганимиз бежизга эмас. Чунки ниҳолнинг гуркираши заминнинг, томирларнинг бақувватлигига бориб тақалади. Бунда, албатта, боғбоннинг ҳам тутган ўрни жуда катта. Яъни, қаерда бўлмасин — шаҳардами, тумандами ёки чекка бир қишлоқдами, мактабгача таълим муассасасининг раҳбари, тарбиячиси янгича фикрлаб, изланса, олдинга ҳаракат қилса, ўша жойда жонланиш, файз бўлади.

Бинобарин, шу туманда жойлашган 20-"Сайёра" мактабгача таълим муассасаси жамоаси шундай йўлдан бораётганлардан. Узоқдан кўриб шу муассаса биносини мактаб бўлса керак, деб ўйлагандим. Йўқ, замонавий усулда қурилган басавлат бино 280 нафар болакайни бағрига оладиган болалар боғчаси эқан. Хоналар жуда чиройли, дид билан таъмирланган. Фақатгина каттакатта хоналар бироз ҳувуллаганроқ. Сабаби, болажонларнинг севимли ўйинчоқлари ва "Учинчи мингйилликнинг боласи" таянч дастури бўйича тайёрланган кўргазмали қуроллар камроқ. Лекин бу жиҳатни бартараф этишга ҳозирда жамоа астойдил киришибди. Бу тўғрида кейинроқ билиб оласиз.

Ҳар бир гуруҳнинг ювиниш хоналари ҳам озода. Жўмракларнинг барчасидан сув оқади. Бу туман шароитида ижобий ҳол. Чунки шаҳардан ташқарида жойлашган мактабгача таълим муассасаларининг деярли кўпчилигида фақат битта ювиниш хонасининг жўмракларидан сув келишини кузатганман. У ҳам бўлса, эрталаб ва кечки пайтларда. Бу муаммо "Сайёра"да ҳам бор эди. Аммо, муассаса ходимлари яқин атрофдаги артезиан қудуғига мотор қўйдириб, сув қувурларини зангдан тозалатишибди. Ҳозирда тарбияланувчилар бу масалада ҳечам қийналишмайди.

(Давоми 2-бетда)

АРОСАТДАГИ "ОЗОДА"

2-МАНЗАРА

Янгиқўрғон туманининг Нанай қишлоғини эшитмаган одам кам бўлса керак. Қирғизистон билан чегарадош, кўплаб ёзги дам олиш оромгоҳлари жойлашган бу қишлоқнинг иқлими ҳам ўзига хос. Тоғликлар, адирлар ва сойлар билан ўралган мазкур ҳудуднинг аҳолиси айни ёзнинг жазирама кунларида ҳам енгил-елпи кийиниб юришмас экан. Чунки салқин шабадаю деярли ҳар куни ёғадиган ёмғир бунга сабаб экан. (Ҳудуд иқлимини таърифлаётганимизнинг сабабини кейинроқ тушуниб етасиз). Худди ана шундай заҳкаш шароитда ичкари хоналарнинг ҳарорати ташқариникидан-да совуқ (салқин эмас, совуқ!) бўлган "Озода" номли 10-мактабгача таълим муассасаси жойлашган. Агар туман халқ таълими бўлимига келиб, тарбиявий-таълимий ишлар бўйича рейтинги энг юқори бўлган боғчани кўрсатинг, дейдиган бўлсангиз, ҳеч иккиланмасдан шу муассасани кўрсатишади. Лекин...

Ушбу мактабгача таълим муассасасининг биноси икки қисмдан иборат. Биринчи қисми 1926 йилда, иккинчи қисми эса 1958 йилда қурилган. Иккала қисм деворлари ҳам хом ғиштдан урилиб, томига ёғоч тўсин терилган ва лой босиб, шиферланган. 1996 йили 24 июнда мазкур таълим муассасаси биносининг техник ҳолати бўйича туман ҳокимининг ўринбосари А.Дадабоев, туман бош меъмори Х.Халилов, туман ХТБ мудири С.Тўлабоев, туман фавқулодда ҳолатлар штаби бошлиғи П.Орипов, Нанай ширкатлар уюшмаси раиси муовини С.Исоқов, РУКС бошлиғи Ғ.Маҳкамов, шу мактабгача таълим муассасаси мудираси З.Ботировалар иштирокида далолатнома тузилади. Далолатномада шундай дейилади: "... Ўтган вақтларда бинодан ҳар хил мақсадларда фойдаланилган. Кейинги йилларда бино ўз фойдаланиш муддатини ўташига қарамай, бир неча маротаба тўлиқ ва жорий таъмирланган. Кейинги йиллардаги кучли ёғингарчилик ва ер қимирлаши оқибатида бинонинг юк кўтарувчи деворлари ёрилиб, чўкиш ҳосил бўлган. Баъзи хоналарда деворлар нураб, кўчган. Поллар чириб кетган. Қаттиқ дўл натижасида шиферлар тешилган, ёмғир сувлари ўтиб, уч-тўрт жойдан фанер осилиб тушган. Ҳозирги кунда бино авария ҳолатига келган. Уни қайта таъмирлаб, бефойда маблағ сарфлаш ижобий натижа бермайди. Бинодан келгусида фойдаланиш мумкин эмас".

(Давоми 2-бетда)

ТАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАТАНДА:

ҚАЛАМ ТЕБРАТА ОЛАСИЗМИ? 2-бет

АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗИЛАДИ? *Халқ таълими ходимларининг анъанавий Август кенгашларини ўтказиш юзасидан тавсиялар* 3-бет

ЎЙИН ШАРТЛАРИНИ ДАРСИМГА МОСЛАБ ЎЗГАРТИРДИМ 3-бет

2002-2003 ЎҚУВ ЙИЛИ "ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ МУАССАСАЛАРИДА МЕТОДИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЎҚУВ ЙИЛИ" ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ *2002 йил 29-30 майда "Узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш истиқболлари" мавзуида Тошкент шаҳрида ўтказилган Республика ўқув семинарининг тавсиялари* 6-бет

МАРОСИМ-МАЪРАКА — МИЛЛАТ КЎЗГУСИ 5-бет

"БОШ ЭГАМАН СИЗГА УСТОЗЛАР" 5-бет

ОСМОНДАГИ ҲАЛОКАТЛАР 7-бет

"СЕГОҲ" *(Қисса)* 8-бет

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

NORASMIY SAMMIT

Mamlakatimiz rahbari I. Karimov shu yilning 6-7 iyul kunlari Qozog'istonning Oqtov shahrida bo'lib o'tgan Markaziy Osiyo davlatlari va Rossiya rahbarlarining norasmiy sammitida ishtirok etdi. Garchi ushbu sammit norasmiy vaziyatda o'tgan bo'lsa-da, unda O'zbekiston, Rossiya, Qozog'iston, Qirg'iziston va Tojikiston rahbarlari o'zaro hamkorlikni rivojlantirish, iqtisodiy integratsiya jarayonlarini yangi bosqichga ko'tarish, shuning asosida kommuni-katsiya, energetika, transport sohalarida hamkorlik, suv va havo yo'llaridan yanada unumli foydalanish, istiqbolli loyihalarni qo'llab-quvvatlash hamda xalqaro terrorchilik, uyushgan jinoyatchilik, ekstremizm, narkobiznes kabi illatlarga qarshi birgalikda kurashish masalalariga ham diqqat-e'tiborlarini qaratishdi.

HARAKAT XAVFSIZLIGI MASALASI

Oliy Majlisning Sanoat, qurilish, transport va aloqa masalalari qo'mitasining navbatdagi majlisida O'zbekiston Respublikasining "Yo'l harakati xavfsizligi to'g'risida"gi qonuni ijrosining Andijon viloyatidagi ahvoli muhokama etildi.

BAKUDA DO'STLIK JAMIYATI

Ozarbayjon parlamenti, Vazirlar mahkamasi, vazirlik va davlat muassasalari, jamoatchilik tashkilotlari vakillari tadbirkorlar hamda OAV xodimlari ishtirokida Baku shahrida bo'lib o'tgan Ozarbayjon— O'zbekiston do'stlik jamiyatining ta'sis kengashida mamlakatimizning mazkur davlatdagi Favqulodda va Muxtor elchisi A. Abdurahmonov ushbu do'stlik jamiyatining ikkala mustaqil respublika o'rtasidagi o'zaro aloqalarning yanada mustahkamlanishidagi ahamiyatiga alohida to'xtaldi.

ҚЎШИМЧА СИНФХОНАЛАР ҚУРИЛАЯПТИ

Бобур номидаги 10-мактаб Ғаллаорол туманидаги Ўгат қишлоғида жойлашган. Ўтган йили Қўйтош кони раҳбарияти мактаб учун янги бино қуриб беришга аҳд қилди. Яхши ният билан 25 та синфхонага мўлжалланган қурилиш ишлари бошланди. 5 та синфхона битар-битмас Қўйтош кони иқтисодий таназзулга юз тутиб, қурилиш ишлари ўлда-жўлда қолиб кетди.

Меҳнаткашларнинг фарзандига қулайлик бўлсин, деб бошланган иш чала қолди. Энди нима қилмоқ керак? Бошланган иш ярим хароба ҳолда ётаверадими? Ана шу саволлар мактаб директори Улуғбек Авалбоевга тинчлик бермасди. Тиниб-тинчимас, ташаббускор директор бунинг йўлини топди. Ота-оналар билан маслаҳат қилиб, кенг жамоатчиликнинг ҳамкорлигида ҳашар йўли билан ишни давом эттиришга келишиб олдилар. Хайрли ишни қўллаб-қувватловчилар ҳам кўп бўлади.

Bir tumandan ikki xabar

Қисқа муддатда шу қишлоқда яшовчи ота-оналар қурилиш материалларини ҳашар йўли билан тўплашди. Ҳар ким баҳоли қудрат мактаб қурилишига ҳисса қўшди. Натижада 25 та синфхона қуриб битказилди. Янги ўқув йилида мактаб 233 нафар ўқувчини бағрига олади. Энг муҳими, 2002—2003 ўқув йилида таълим-тарбия ишлари тўлиқ бир сменада амалга ошириладиган бўлди.

* * *

"Ташаббуснинг қаноти бор" деб бежиз айтилмаган. Мактабларни ҳашар йўли билан таъмирлаш барча жойда кенг қулоч ёзмоқда. Тўйчи Ҳудоёров номидаги ширкат хўжалигида жойлашган Муқимий номидаги 2-мактаб жамоаси ҳам ота-оналар ҳамкорлигида 8 та синфхона қуришга киришдилар. Қўшимча синфхоналарнинг девори пахсадан тикланаяпти. Томнинг устини ёпадиган ёғоч материали ҳам текинга тушадиган бўлди. Мактаб ҳовлисидаги теракзор бунда асқотди. 240 ўринга мўлжалланган қўшимча синфхоналари бугун-эрта битади. Ғаллаорол туман халқ таълими бўлими ҳашар усулини қўллаб, мактаб устини ёпиш учун шифер берди. Айни кунда қўшимча бинолар учун керакли бўлган стол-стул ва бошқа жиҳозлар келтирилмоқда.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири

TOMOSHA VA VAZN

Liverpul universiteti olimlarining ta'kidlashlaricha, muttasil televizor tomosha qilish ayollarga ta'sir etadi va ularning semirib ketishlariga sababchi bo'ladi. Ertadan kechga qadar teleseriallar ko'radiganlar tanasida ortiqcha vazn to'planib boradi.

MITTI QURILMA

Amerikadagi Massachusets universiteti mutaxassisi X.Shrikumar tomonidan eng mitti kompyuter qurilmasi yaratildi. Aspirin tabletkasi hajmidek keladigan bu qurilma bilan Internetga bog'lanish hamda uydagi elektr jihozlarni boshqarish mumkin.

O'qituvchi yon daftariga

SEVING VA SOG' BO'LING!

Tennesi dorilfununi mutaxassislari olib borgan tadqiqotlar xulosasida aytilishicha, muhabbat tuyg'usi insonning hamma organlar sistemasiga faol ta'sir etadi va hujayralarda moddalar almashinuvini kuchaytiradi. Hatto, sevgan damlarda mabodo teri shikastlansa ham tez tuzalib ketar ekan.

YANGI REKORD

Ginnesning rekordlar kitobiga amerikalik Stiv Fosett nomi ilk bor havo sharida zaminni aylanib chiqqan sayyoh sifatida kiritildi. Fosett jami 28 ming km. masofani 15 kunda bosib o'tdi. U 10 ming metrgacha balandlikka ko'tarilib, eng so'nggi texnologiyalar bilan jihozlangan havo sharida soatiga 196 km. tezlikda uchishga erishgan.

Қалам — журналистнинг қуроли, бусиз у ўша касбга даъвогарлик қилмай қўя қолсин.

"Шунга йилдан бери тарбиячиларим билан янги боғча орзусида яшаймиз. Бу борада болаларга эртаклар ҳам айтамиз.

Abiturient va sinov

КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНГИЗ ҚАНДАЙ?

Топиб айтилган бир нақл бор: "Чумчуқ суйса ҳам қассоб суйсин"

Қиссадан ҳисса шулки, агар чумчуқ қассобнинг олдига келтирилмаса, бошқанинг қўлида у рисоладагидек суйилмайди. Зеро, бошқа касб эгаси болани муаллимдек ўқита олмайди. Шифокор эса муҳандисликка даъвогар эмас. Санъат йўлига тушган киши сознинг мақомини келтириб чалса-да, спорт соҳасида бармоқ тишлаб қолиши мумкин.

Олий таълим олишга чоғланаётган ёшлардан аввало билим талаб қилиниши барчага маълум. Аммо айрим йўналишларда, хусусан, санъат, журналистика, жисмоний тарбия, ҳарбий соҳаларда билим баробарида талаб этиладиган жиҳат бор. Бу унинг ўша касбга қай даражада лаёқати, қўникмаси бор-йўқлигидир. Бинобарин, бу ҳолат ўша ихтисосликдаги энг бирламчи шарт ҳисобланади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисида"ги Низомининг 14-бандида касбий-ижодий имтиҳонлар орқали абитуриентларнинг қобилиятларини тест синовларига қадар синаб кўриш белгилаб қўйилган.

ҚАЛАМ ТЕБРАТА ОЛАСИЗМИ?

Қалам — журналистнинг қуроли, бусиз у ўша касбга даъвогарлик қилмай қўя қолсин. "Журналистни қалами боқади" деган гап яқин замонларда эмас, балки инглиз ёзувчиси Жек Лондон яшаган даврларда ўйлаб топилган бўлса эҳтимол. Унинг қаҳрамони Мартин Иден ҳам қаламнинг кучи билан шон-шуҳрат поғонасига эришган.

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида касбий тайёргарлик синовларини ҳар йилги тартибда ўтказишга тайёргарлик кўрилаётгани хусусида декан Хислатхон Маҳаммадалиев шундай деди:

— Ижодий имтиҳонлар икки босқичда ўтказилади. Бу 25-27 июль кунларига тўғри келади. Аввало абитуриентларнинг ёзма саводхонлиги текшириб кўрилади. Айни пайтда бу орқали уларнинг фикрлаш, мушоҳада қилиш, энг муҳими қалам тебрата олиш маҳорати ҳам намоён бўлади. Эркин мавзулардан бирини танлаган абитуриент ана шу имкониятдан кенг миқёсда фойдаланиши керак. Чунки ёзма имтиҳонга 70 баллик тизим жорий қилинган. Маънавий-маърифий, ахлоқий мавзулардан ташқари Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати, унинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни ҳақида абитуриент ёзма матн тайёрлагач, у ҳайъат аъзолари томонидан текширилади, баҳоланади. Синовнинг иккинчи босқичи эса оғзаки усулда. Бунга кўра,у маҳаллий— туман, вилоят, қолаверса, республика матбуотида эълон қилган мақолаларини шарҳлаб ёки таҳлил қилиб беради. Мақолалар 5 тадан кам бўлмаслиги керак. Агар абитуриент энг юқори — 116,1 баллни тўпласа, бу унинг кейинги ҳал қилувчи жараён — тест синовларидан тўплайдиган натижасига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Аксинча, касбий тайёргарлик синовларидан паст балл билан ўтган абитуриент тестда юқори кўрсаткичга эришса ҳам, у афсусланиб қолиши мумкин.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Магистрларининг ўзлари бу ҳақда нима дейишаркин?

Марҳабо Умурзоқова — имтиёзли диплом соҳибаси, ўзбек тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича магистр:

— Ушбу университетда 6 йил давомида таҳсил олдим. Республикамизда янги ташкил этилган тизим — магистратурада ўқиш давомида асосан мустақил ишлаш кўникмасини ўргандим. Шунингдек, илмий иш ёзиш, унга қай тарика тайёргарлик кўриш зарурлигини билдим ва катта илмий иш ёзиш учун малака тўпладим. Шу билан бирга, таълимнинг бакалавр босқичида олган билимларимизни икки йиллик даврда яна ҳам мустаҳкамладик.

Ким Сонг Сук, университетнинг Жанубий кореялик магистри, ўзбек тилида ёзилган "Ўзбек ва корейс тилининг нумератив асослари" магистрлик иши муаллифи:

— Ўзбекистонга 1999 йилда келганман. Дастлаб, бир йил давомида ўзбек тили тайёрлов курсларида таҳсил олдим ва ўзбек тилида мулоқот қилишни ўргандим. 2000 йилда Тошкент Давлат педагогика университети магистратурасига ўқишга кириб, ўзбек ва корейс тиллари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик жиҳатларни ўрганишга ҳаракат қилдим. Университетда



ҚЎЯЖАК ҚАДАМЛАРИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, ОЛИЙ МАЛАКАЛИ МАГИСТРЛАР!

икки йил давомидаги таҳсил жараёнида менга фанларни чуқурроқ ўзлаштиришда ўқитувчиларим ва ўзбек дугоналарим катта ёрдам бердилар. Мен улардан миннатдорман. Шунингдек, айрим домлалар мен билан дарсдан ташқари машғулотлар олиб боришиб, диссертация ёзиш жараёнида илмий манбалардан фойдаланишда яқиндан кўмак бердилар. Уларга ҳам алоҳида ташаккур билдираман.

Мақсадим — Кореяга боргач, Ўзбекистоннинг Кореядаги элчихонасида ишлаш. Шунингдек, Ўзбекистондан Жанубий Кореяга бориб фаолият кўрсатаётган турли соҳа мутахассисларига корейс тилини ўрганишда амалий ёрдам бериш, шунингдек Кореядаги Русан жаҳон тиллари университетида ўзбек тилидан талабаларга сабоқ беришни ҳам ният қилганман.

* * *

Шу куни Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ҳам битирувчи магистрларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда Президент девони масъул ходимлари, турли вазирлик ва идора раҳбарлари, шоир ва ёзувчилар иштирок этдилар.

Маросим давлатимиз мадҳияси садолари билан бошланди. Тадбирда сўзга чиққан Олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидаҳрор Ғуломов, университет ректори Тўрабек Долимов, шоир Жуманиёз Жабборовлар магистрларни қутлуғ шодиёна билан қутладилар. Шундан сўнг ҳар бир факультетнинг сараланган "мутахассис"ларига магистрлик дипломлари топширилди. Бўлғуси кадрлар олий ўқув юрти раҳбарияти ва уларга сабоқ берган ўқитувчи-мураббийларига миннатдорлик изҳор қилдилар.

Шу куни университетда меҳмон бўлиб турган Жанубий Кореянинг Енгкам университети профессор ва талабалари ҳам ушбу шодиёналарнинг гувоҳи бўлдилар. Улар ҳам университет магистрларининг кейинги фаолиятларида омад тиладилар.

Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ,

Бурхон РИЗОҚУЛОВ (суратлар муаллифи), "Ма"rifat" мухбирлари

УРГАНЧДА АҲОЛИШУНОСЛИК БАЙРАМИ

11 июль куни Урганч ва Хива шаҳарларида бутунжаҳон Аҳолишунослик кунига бағишлаб ўтказиладиган тадбир олдидан Миллий матбуот марказида анжуман бўлиб ўтди. Унда тадбир ташкилотчилари Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, ЮНЕСКО ҳамда ЮНФПА, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармасининг вакиллари ОАВ ходимларини қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Шу ерда Бутунжаҳон аҳолишунослик кунига тўхталадиган бўлсак, бу сана 1987 йилнинг 11 июль кунидан бошлаб ЮНФПА томонидан нишонланиб келинмоқда.

— Тадбирда болалар иштирокида концерт дастури ва мактаб ўқувчилари томонидан репродуктив саломатликка бағишланган саҳна кўринишлари намойиш этилади. Урганч Давлат университети ҳамда тиббиёт институти Урганч филиали талабалари ўртасида "Қувноқлар ва зукколар" кўриги ўтказилади.

Ичонқалъада аҳолишунослик кунига бағишланган ярмарка, кўргазмалар, асфальтга расм чизиш ва спорт ўйинлари (шахмат-шашка, кураш) брейн-ринг, репродуктив саломатликка бағишланган давра суҳбатлари ташкил этилади, — дейди биз билан суҳбатда республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати раиси Ботир Убайдуллаев.

Муниса АБДУРАҲМОНОВА

Yoz o'tmoqda soz!

"АГРОИСТЕЪДОД" ТЎРТ ЁШДА

Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ туманида жойлашган "Меҳржон" ёзги соғломлаштириш оромгоҳида бу йил ҳам ёзги "Агроистеъдод" мактаби иш бошлади. Мана, тўртинчи йилки, ушбу мактаб республикамизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган иқтидорли болаларни ўз бағрига олди.

Қуйида Андижон шаҳридаги 43-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Фаррух Ҳусановнинг ҳикоясидан "Агроистеъдод" мактаби ҳаётини билиб оласиз:

"Бу йилги ёз хотирамда бир умрга муҳрланса керак. Сабаби, Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ туманида жойлашган "Меҳржон" оромгоҳида очилган "Агроистеъдод" мактабида бўламан. У ерда турли вилоятлардан келган мен каби болалар ўн беш кун давомида турли илмий текшириш институтлари, марказлар ходимлари билан учрашувлар ўтказишади, агротехника, қишлоқ хўжалиги соҳаларини ўрганишади, техник ижодкорлик маҳоратидан сабоқ олишади.

Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳридаги 16-мактабда бундан тўрт йил муқаддам "Агроистеъдод" синфи очилган экан. Ана шу синфда таълим оладиган болалар махсус кўрикдан ўтиб, қишлоқ хўжалигини механизациялаштиришни ўрганишар, ерга агротехник ишлов бериш сирларидан воқиф бўлишар экан. Бизнинг мактабда ҳам шундай синф бор. Биз ҳам бувим айтганларидек, "даланинг ўтидан кириб, сувидан чиқадиган" мутахассислар бўлиб етишиш учун ҳаракат қиляпмиз. Ахир Ўзбекистоннинг асосий даромади ҳисобланган пахтани етиштириш, бўғдойдан кўп ҳосил олиш учун ер илмини билиш керак-да.

Бу ерга келган кунимоқ дўстлар орттирдим. Шавкат Саидов Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманидан. Олтинсой қанақа жойлигини билмайман, лекин Шавкат уни шундай таърифладики, менда Сурхон воҳасини кўриш истаги туғилди. Насиб этса, Шавкат билан бир умрлик дўст бўлиб қоламан. Музаффар Хўжаев ҳам энг яқин дўстимга айланади. У хушчақчақ, сўзамол, бола. Янгийўлдаги 16-мактабнинг 8-синфида ўқийди. У 12 ёшиданоқ "Агроистеъдод" синфида таълим олишни бошлаган экан.

Шунингдек, Республика Давлат Патент идораси ходимлари ўн беш кун давомида кўп нарсани ўрганишимиз учун оромгоҳга олти дона компьютер олиб келишди. Энди биз "Республика ихтиролар, фойдали моделларнинг илмий техник экспертизаси ва интеллектуал мулк объектларининг муҳофазаси", "Мамлакат қишлоқ хўжалигида зараркунандаларга қариши курашда диометоддан фойдаланиш", "Сирли олам ҳақида тушунчалар", "Дизайн ҳақида тушунча", "Автомобил соҳасида дизайннинг аҳамияти", "Қишлоқ хўжалиги техникаларини яратиш жараёни ва уларнинг синов даври", "Тупроққа экиш олдидан ишлов берувчи механизмлар" каби бир-биридан қизиқарли бўлган маърузаларни тинглашдан ташқари, "Тошкент денгизи" номини олган "Туябўғиз" сув омборини томоша қиламиз, компьютер ёрдамида кўп нарсани ўрганамиз, мириқиб ҳордиқ чиқарамиз. Оромгоҳда ўтказиладиган "Оромгоҳ жаноби", "Нептун", "Асфальтга сурат чизиш" каби кўрик-танлов ва тадбирларда иштирок этамиз.

Хуллас, зерикишга вақт бўлмайди. Ушбу мактаб ҳаёти ҳақидаги хотираларимни кундалигимга ёзиб бораман. Насиб этса мактабнинг ёпилиш маросимидан сўнг ўн беш кун давомида кўрган-кечирганларимни сизларга батафсил сўзлаб бераман".

Оққа кўчирувчи Ш.МАДРАҲИМОВА

Ma'rifat МАСЛАҲАТХОНАСИ

Хоразм вилояти, Қўшкўпир тумани 3-умумий ўрта мактаби раҳбарлари.

Савол: 1. Мактабда директор ўринбосарлари ва ҳарбий раҳбарлар ҳафталик дарс соатлари неча соат қилиб белгиланган.

2. Мактабда ҳарбий раҳбарлар 16 соатгача ва синф раҳбарлик қилса ҳам бўладими, шу имкониятлар борми?

3. II сменада ўқитиладиган мактаб раҳбарларига қўшимча имтиёз борми?

4. Газдан фойдаланиш тўғрисида маълумот берсангиз?

Жавоб: 1. Мактабда директор ўринбосарлар ва ҳарбий раҳбарлар ҳафталик дарс соатларини (Халқ таълими бўлимлари) юқори ташкилотлар мутасадди раҳбарлари ўша ердаги дарс соатларининг ҳажми, ўқитувчига бўлган эҳтиёж ва дарс соатларини ўтиш сифати ва мазмунига қараб белгилайди.

2. Мактабда ҳарбий раҳбарлар 16 соатгача дарс соатлари ўтишлари синф раҳбари бўлиб ишлаш имкониятлари бор.

3. 1 сменада ишлаётган мактаб раҳбарларининг ҳам, 2 сменада ишлаётган мактаб раҳбарларининг ҳам ойлик иш ҳақлари мактабда ўқиётган ўқувчилар сонига қараб белгиланади. Директор ўринбосарлари:

— 400 гача континенти бор мактабларда - 8-разряд,

— 401 дан 880 гача континенти бор мактабларда - 9-разряд,

— 881 дан 1600 гача континенти бор мактабларда - 10-разряд,

— 1600 дан юқори континенти бор мактабларда - 11 разряд бўйича иш ҳақи белгиланган.

Ҳарбий раҳбарларнинг иш ҳақлари директор ўринбосарларидан 1-разряд қуйи юради.

"Маърифат" газетасининг 2001 йил 12 декабрь сонида газдан фойдаланиш ҳақида жавоб берганмиз, ундан батафсил бу ҳақда билиб оласиз.

Й.АҲМЕДОВ,

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси

(Давоми. Боши 1-бетда)

Bir tumanda ikki xil manzara

ПАРВОЗДАГИ "САЙЁРА"

Сайр пайти бўлгани учун болаларни ҳовлида учратдим. Назаримда улар камроқдек туюлди. Сабабини тарбиячилардан сўрасам:

— Йўқ, ундай деманг, ҳалиям кўпайиб қолишди, — дея хурсандчилик(!) билан жавоб беришди. Сўнгра муассаса мудираси Насиба Мамадалиева билан суҳбатлашганимизда, ҳаммасини гапириб берди:

— Биринчи ишга келганимда мана шу катта бинода иккитагина гуруҳ тарбияланарди, холос. Очиғини айтиш керак, ҳозирда кўпчилик ота-оналаримиз тўлов ҳақидан қийналишиб, болаларини боғчага беришмаяпти. (Тўлов ҳақи 3 минг сўм). Шунинг учун илк ишимни боғча ер майдонидан чиққан бўғдой ҳосили эвазига тўлов нархини пасайтириб, ҳудудимиздаги оилаларга бирма-бир кириб, болаларни жалб қилишдан бошладим. Мана, бугун 75 нафар тарбияланувчимиз бор! Энди, бу йилги даромадимиз ҳисобидан уларнинг 50 нафарга яқинини сентябрь ойидан бошлаб бепул тарбиялашни режалаштирдик. Кўриб турганингиздек, 140 ўринга мўлжалланган биномиз бўлимини тўлиқ таъмирладик. Ҳомийлар ҳам ўз-ўзидан келавермайди. Уларни сарфлаётган маблағининг бекорга кетмаётганлигига ишонтира олсангизгина, бироз "юмшайди".

Ўйинчоқлар масаласига келадиган бўлсак, эндигина таъмирлаш ишларидан бўшадик. Унча-мунча ҳисобимиздаги маблағга Тошкентдан ўйинчоқлар, кўргазмали воситалар олиб келмоқчимиз. Хуллас, ички имкониятларимизнинг ҳаммасини ишга солганмиз. Куни кеча жамоа хўжалигимиз раисига 2 гектар ер сўраб, ариза бердим. Болалар учун кўплашиб, далада ишлашдан ҳам қочмаймиз...

Ҳақиқатан ҳам бу шижоаткор мудира айтганини қилдирадиганлардан экан. Зеро, бу каби ҳар бир ишга қатъият билан ёндашиб, тўсиқларни енгиб ишлаш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Айниқса, аввал ҳувиллаб қолган боғчани файзли масканга айлантиришга кам меҳнат сарфланмаган. Оддий мисол. Олдинлари мевалари пишишга улгурмаган боғ атрофи панжара билан ўралиб, яхши парваришланганидан сўнг ҳозир ўрик, олхўри, гилослар ғуж-ғуж пишган. Улардан болажонларга компотлар тайёрлаб берилаяпти. Ҳатто қишнинг ғамини еб, туршак қилишга ҳам улгуришибди. Хуллас, ушбу мактабгача таълим муассасасининг ҳар бир ходими ҳамжиҳатликда гап кўплигини яхши билишади.

АРОСАТДАГИ "ОЗОДА"

Ушбу гаплар бундан етти йил аввал қоғозга муҳрланган эди. Ҳали-ҳануз шу далолатномани тузиб, бу ҳақдаги маълумотларни тегишли ташкилотларга етказганлар "Озода"ни излашса, ҳужжатларда "йўқ" дейилгану, аслида мавжуд бўлган шу манзилга келишади. Шундан бери қанча раҳбарлар алмашдию лекин "фойдаланиш мумкин бўлмаган" бинодан фойдаланилаверди. Таърифимиздаги мактабгача таълим муассасасининг айни ҳолатини бундан 7 йил аввал тузилган далолатномадагидан ўн чандон ёмонроқ тасаввур қилаверинг. Ёз куни бўлишига қарамасдан болалар иссиқ кийимларда ухлашаяпти. Энди, қиш кунлари биттагина печкада ўт ёқиб иситиладиган шу хонада ўзингизни ҳис қилиб кўринг-а?! Майли, биз катталар бунга чидашимиз мумкин. Бироқ суяги қотмаган болажонлар-чи?

105 ўринга мўлжалланган мазкур боғчага эҳтиёж кўплиги сабаб ҳозирда 120 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Фарзандларини бу ерга олиб келаётган ота-оналар ҳам муассаса жамоаси билан биргаликда тегишли ташкилотларга мурожаат қилавериб чарчашган. Ҳатто мудира Зуҳра Ботирова мутасадди жойларга неча бор ариза, хатлар билан чиққанлигини санай туриб, саноғидан ҳам адашиб кетади. (Тахминан 50 дан ошиқ). Туман, вилоят ҳокимликлари остонасини чуқур қилиб, раҳбарлар билан шахсан учрашиб, вазиятни тушунтирган ҳам. Натижа... "Ҳал қиламиздан" нарига ўтишмаган. Яхшиси, Зуҳра опанинг ўзидан эшитинг: "Шунча йилдан бери тарбиячиларим билан янги боғча орзусида яшаймиз. Бу борада болаларга эртаклар ҳам айтамиз. Наҳотки бир туман ёки вилоятга битта боғча қуриб бериш шунчалик қийин бўлса?! Ҳар йили қиш бўлди дегунча, санитария-эпидемиология станциясидан келиб, бинони ёпиб кетишади. Ота-оналарнинг деярли ҳаммаси ишлашади. Ноиложликдан болаларини етаклаб келаверишади. На илож, санитария-эпидемиология станциясидагилар ҳам очишга рухсат беришади. Қаерга нажот сўраб борган бўлсам, "яқинда бўлади, опажон" деб қутулишади. Ёлғонларга ишониб яшашдан ёмони бўлмаса керак. Мана, раисимиз Нурмирза Акбаров эндигина раҳбар бўлиб келганда, ширкатлар уюшмасининг икки қаватли замонавий идорасини бўшатиб берамиз, деб ваъда берган эди. Ўша ваъда ваъдалигича қолиб кетди.

Қишлоғимиз энг чекка ҳудудда жойлашгани учун ҳомийликка тортиш учун корхоналар ҳам йўқ. Лекин бир неча йил аввал маҳалла оқсоқоллари йиғилиб, магазинлар қурдиришди. Ўшанда бизнинг "дардимиз" қўзғаб, мурожаат қилганимизда, ҳеч ким эътибор бермади. Ҳозир ўша бинолар ва катта универмаг ишламасдан бўмбўш савлат тўкиб турибди. Мени уларга даъво қилишга ҳаққим йўқ. Аммо, ҳар биримиз ота-онамизку!.." дея ёзғирган кўнгли бўш бу мудирани тадбиркор эмасликда айблай олмаймиз. Айни кунларда ҳарна кўчган жойларни ямаш учун ярав қолар деб битта хонада зардўзлик-тикувчилик цехи очишибди. Бу ҳам бир кичик имконият-да.

Хуллас, Янгиқўрғонда ана шундай боғча борлигини "Маърифат"да ёритиш нияти билан масалага тегишли бўлган расмий ҳужжатларни олиш учун туман халқ таълими бўлимига борганимизда, бино ва иншоотлардан фойдаланиш бўйича мутахассис Сайфиддин Сулаймоновни учратдик. У киши:

— Ҳисобимиздаги 4 миллион 60 минг сўм пулни 1 та мактаб ва ушбу 10-мактабгача таълим муассасасини таъмирлаш учун сарфламоқчимиз, — дейди.

Бу ўринда далолатномада келтирилган гапларни қайтариб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ваҳоланки, аросатда қолган "Озода"нинг устидан бундай "ҳукм"лар жуда кўплаб ўқилган. Бироқ...

Биз вазиятни бор ҳолича кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик. Ҳозир соғлом авлодни тарбиялашга бел боғлаганимиз бир пайтда, бу борада йўл қўйилаётган бепарволиклар вақти келиб юксалиш йўлидаги ҳаракатларимизнинг оқсашига сабаб бўлиши мумкин. Демакки, ҳар бир соҳадаги эътиборсизлик ва камчиликларни бартараф этиш қанчалик даражада долзарб вазифа бўлса, мактабгача таълим муассасаларидаги бундай нуқсонларни йўқотиш ҳам шунчалик аҳамиятлидир.

Насиба ЭРХОНОВА, "Ma'rifat" мухбири

АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗИЛАДИ?

2002/2003 ўқув йили "Халқ таълими тизими муассасаларида методик хизмат кўрсатишни такомиллаштириш ўқув йили" деб эълон қилинди

Халқ таълими ходимларининг анъанавий Август кенгашларини ўтказиш юзасидан

ТАВСИЯЛАР

Янги ўқув йили арафасида халқ таълими ходимларининг Август кенгашларини ўтказиш Республикамиз халқ таълими тизимида анъанага айланиб қолган.

Мазкур тадбирнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги байрами арафасида ўтказилиши, Президентимиз томонидан "Қарияларни қадрлаш йили" деб эълон қилинган жорий йилда анъанавий кенгашларнинг ялпи йиғилишларида халқ таълими соҳасида узоқ ва самарали меҳнат қилган, ҳозирда нафақада бўлган устоз-муаллимлар вакилларининг иштироки, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилиши, уларнинг имконият даражасида моддий ва маънавий рағбатлантирилиши тадбирга алоҳида кўтаринки руҳ бағишлаши табиийдир.

Халқ таълими вазирлиги анъанавий Август кенгашларини туман(шаҳар) миқёсида юксак талабчанлик билан, илгаридан сақланиб қолган мақбул анъаналарга ижодий ёндошилган ҳолда унинг ялпи ва шўъба йиғилишларини жорий йилнинг 19–24 август кунларида ўтказилишини тавсия этади.

Анъанавий Август кенгашларининг ялпи йиғилишига туман (шаҳар) ҳокимлигининг масъул ходимлари, ҳокимлик таркибий тузилмаларининг раҳбарлари, жойларда фаолият кўрсатаётган турли давлат ва нодавлат жамоат ташкилотлари, жамғармалар, ҳомий ташкилотлар вакиллари ҳам таклиф этилиши, уларнинг қўшимча маърузалар билан чиқишларини таъминлаш назарда тутилади.

Албатта, туман (шаҳар) миқёсида ўтказиладиган ҳар қандай тадбир, шу жумладан халқ таълими ходимларининг Август кенгашлари ҳам вилоят ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси, туман(шаҳар) ҳокимликларининг фаол иштироки, ёрдами ва қатъий назорати остида ташкил этилади.

Шу муносабат билан Август кенгашларининг ялпи ва шўъба йиғилишларини талаб даражасида ўтказиш масаласи вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда ҳар бир туман халқ таълими бўлими раҳбарларининг диққат марказида туриши лозим. Кенгаш йиғилишларида ортиқча дабдабабозлик, қуруқ ваъзхонликни эмас, балки ишчанлик, фаоллик ва ташаббускорлик вазиятини юзага келтириш зарур.

Анъанавий Август кенгашларининг ялпи ва шўъба йиғилишларини юксак савияда ўтказиш юзасидан жойларда халқ таълими бошқарма ва бўлимларининг махсус буйруқларини қабул қилиш, мазкур ҳужжат билан баробар ташкилий қўмита таркиби, унинг тадбирлари, анжуманни ўтказишнинг аниқ дастурларини ишлаб чиқиш ва бажарилишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Кенгашларнинг ялпи йиғилишида туман (шаҳар) ҳокимларининг маъруза билан чиқишлари анъанага айланиб қолган. Ҳокимнинг маърузасида давлатимизнинг таълим соҳасидаги сиёсати, Республикамизнинг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури иккинчи босқичида белгиланган вазифаларнинг ижроси, Республика ўқитувчиларининг биринчи конференцияси тавсияларининг амалиётга татбиқ этилиши, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари Навоий вилоятининг навбатдан ташқари сессияларида қилган маърузаларидаги таълим тараққиётига оид танқидий фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқадиган долзарб масалалар, хусусан таълимнинг молиявий ва моддий-техник таъминоти, таълим ходимларининг иқтисодий ва ижтимоий муҳофазаси муаммолари чуқур ва атрофлича таҳлил этилиши керак.

Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари раҳбарлари ҳамда музокараларда иштирок этувчиларнинг маърузаларида бўлим тасарруфидаги мактабгача таълим, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши, мамлакатимиз таълим тизимида рўй бераётган туб ўзгаришлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, маруза ва чиқишларидаги таълим тараққиётига оид фикр-мулоҳазалар, Халқ таълими вазирлигининг қарор, буйруқ ва кўрсатмалари асосида бажарилган ишлар сарҳисоб қилиниши, эришилган натижалар олдинги йиллар якунлари билан қиёсий таҳлил этилиши, шундан келиб чиққан ҳолда муассасалар таълим-тарбия фаолиятининг сифати ва самарадорлигига танқидий нуқтаи назардан баҳо берилиши, галдаги вазифалар белгилаб олиниши зарур.

Маърузаларда Республика ўқитувчиларининг биринчи конференцияси тавсияларига биноан ўтган ўқув йили давомида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш юзасидан амалга оширилган ишлар, таълим жараёнига Давлат таълим стандартлари ҳамда илғор педагогик технологияларнинг жорий этилиши, ўқув режасидан ўрин олган қатор фанлар ("Одобнома", "Ватан туйғуси", "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари", "Конституция сабоқлари" ва бошқ.) бўйича тажриба-синов ишлари, "Умид ниҳоллари" Республика спорт ўйинларининг натижалари таҳлили ўрин олиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш зарурки, қўйилган масалалар туман(шаҳар) миқёсидаги таълим муассасалари мисолида, танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқилиши, баҳоланиши ва муайян хулосалар чиқарилиши керак. Хусусан, ихтисослашган мактаблар, мактаб-интернатлар, айрим фанлар чуқур ўргатиладиган мактаблар ва синфлардаги таълим сифати ва самарадорлиги чуқур таҳлил этилиши, зарур топилса, Вазирлик кўрсатмаларига асосан янги ўқув йилидан бошлаб талабларга жавоб бермайдиган айрим муассасаларнинг мақомини ўзгартириш масаласи қўйилиши лозим.

Туман(шаҳар) халқ таълими бўлими мудирининг маърузасида таълим муассасаларига берилаётган методик ёрдамнинг аҳволи, туман Методика кабинети томонидан вазирлик ҳайъат мажлисининг 2001 йил 27 июлдаги "Халқ таълими тизимида узлуксиз методик хизматни такомиллаштириш тўғрисида" ги 7/3-сонли қарори ижроси, мазкур қарор билан тасдиқланган "Туман(шаҳар) Халқ таълими қошидаги Методика кабинети тўғрисида Низом"да белгиланган асосий вазифаларнинг бажарилиши жиддий таҳлил қилинади. Маърузада 2002/2003 ўқув йилининг "Халқ таълим тизими муассасаларига методик хизмат кўрсатишни такомиллаштириш ўқув йили" деб эълон қилиниши муносабати билан халқ таълими бўлими томонидан 2002 йил 29-30 майда "Узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш истиқболлари" мавзуида Тошкент шаҳрида ўтказилган Республика ўқув семинарининг тавсиялари ҳамда мазкур тавсия асосида ишлаб чиқилган ва вазирликнинг 2002 йил 8 июлдаги буйруғи билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимида узлуксиз методик хизматни такомиллаштириш ҳаракат дастури" асосида амалга ошириладиган ишларга алоҳида тўхталиниши лозим.

Юқоридагилардан ташқари кенгашнинг ялпи йиғилишидаги асосий ва қўшимча маърузаларда қуйидаги муҳим муаммолар ечимига эътибор қаратилиши зарур, деб ҳисоблаймиз:

- ўқув режасига янги туркум фанларнинг киритилиши муносабати билан ўқувчи ёшлар онгида маънавий-маърифий ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қай даражада эришилаётгани, бу йўналишдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўналишида ишларни ташкил этилиши;
- таълим тизими ходимларининг жамият ҳаётидаги обрўси ва нуфузини тиклаш, муассасаларни педагог кадрлар билан тўла таъминлаш;
- педагог кадрларнинг савиясини юксалтириш, узлуксиз малака ошириш тизимини яратиш;
- 2002/2003 ўқув йилида 9-синфларда умумий ўрта таълим Давлат таълим стандартларига мувофиқ яратилган янги ўқув дастурлари асосида ҳамда лотин имлосига асосланган ёзувда биринчи марта ўқитилиши муносабати билан шу синфларда дарс берадиган ўқитувчиларнинг тайёргарлик даражасига баҳо бериш;
- мактабгача ёшдаги болаларни боғчаларга қамраб олиш кўламини орттириш, жойларда нодавлат (хусусий) боғчалар тармоқларини кенгайтириш, оиладаги таълимни ва болаларни мактабга тайёрлашнинг бошқа шаклларини ривожлантириш;
- жойлардаги психологик ва педагогик ташхис марказларининг фаолияти: 6 ёшли болаларни 1-синфга қабул қилиш, касаллиги аниқланган болаларни даволаш муаммолари, 9-синф битирувчилари билан ишлаш ва 10-синфларга қабул масалалари ва ўрта махсус ҳамда касб-ҳунар таълими муассасаларига тавсиялар бериш;
- бошланғич синфларда ўқувчилар билимини назорат қилишнинг рейтинг тизимига ўтишга тайёргарликнинг аҳволи;
- ўқувчилар давоматини яхшилаш, мактабга узоқ муддат қатнамаётган ўқувчиларни ўқишга жалб этиш, "Мактаб, оила, маҳалла" концепцияси асосида ота-оналар, маҳалла ва жамоатчилик билан ўзаро алоқаларни тубдан яхшилашга қаратилган ишлар аҳволи;
- мактаб ўқувчиларининг дарсликлар таъминотини яхшилаш юзасидан ота-оналар, ҳомийлар билан режали иш олиб бориш, дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизимини ривожлантириш масалалари;
- ўқувчиларнинг бўш вақтларини ташкил этиш мақсадида уларни куни узайтирилган гуруҳларга, турли фан, касбий ва спорт тўгаракларига жалб этишга қаратилган чора-тадбирларнинг бажарилиши, мактаблардаги фан тўгаракларининг фаолиятини яхшилаш;
- таълим муассасаларининг моддий-техник таъминоти: муассаса биноларининг иситилиши, ичимлик суви, газ, телефон алоқаси ва спорт майдончалари, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар, физика, кимё лабораторияларининг зарур анжомлар билан таъминланиши;
- мактаб кутубхона жамғармасининг дарслик, ўқув-методик ва бадиий адабиётлар, газета ҳамда журналлар билан таъминланиши;
- ташкилот ва муассасалар, фуқаролар томонидан таълим муассасаларига кўрсатилаётган ҳомийлик ёрдамлари, бюджетдан ташқари топилаётган маблағларнинг ўз ўрнида ишлатилиши;
- ўқув йили мобайнида ўқитувчилар ва ўқувчиларни таълим жараёни билан алоқадор бўлмаган ишларга ноқонуний жалб этиш ҳолларига барҳам бериш масалалари.

Янги ўқув йилида таълим сифати ва самарадорлиги кўп жиҳатдан кенгашлар шўъба йиғилишларининг талабчанлик ва ишчанлик руҳида ташкил этилишига боғлиқдир.

Бунинг учун шўъба йиғилишлари бўлиб ўтадиган таълим муассасаларини тўғри танлаш, қатнашувчилар самарали ишлаши учун тегишли шароитларни яратиш зарур.

Шўъба йиғилишларини ўтказиш учун шундай муассасалар танланиши керакки, мазкур муассаса таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш жиҳати билангина эмас, балки биносининг янги ўқув йилига тайёргарлиги, моддий техник ва кадрлар таъминоти, жиҳозланиши ва бошқа жиҳатлари билан анжуман қатнашчиларига намуна вазифасини ўтасин. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ҳар бир муассасадан (маърузачиларни ҳисобга олмаганда) камида биттадан фан мутахассисининг, хусусан мактаб Методика бирлашмаси раҳбарларининг иштирок этишини таъминлаш, ҳар бир шўъба йиғилишига фанлардан дастур бўйича энг мураккаб мавзуларнинг дарс ишланмаларини тайёрлаш ва қатнашчиларга тарқатиш зарур.

Шўъба йиғилишларида вазирликнинг 2002 йил 8 июлдаги буйруғи билан тасдиқланган "Туман(шаҳар) фан Методика уюшмалари тўғрисида Низом", "Туман(шаҳар) Методика кабинети қошидаги Таянч мактаби тўғрисида Низом", "Умумий ўрта таълим мактаби фан Методика бирлашмалари тўғрисида Низом" асосида фан Методика уюшмаси, Таянч мактаби, мактаб фан Методика бирлашмасини ташкил этиш ва фаолиятини юритиш масалаларига алоҳида эътибор берилиши лозим.

Фанлар бўйича шўъба йиғилишларини ўтказиш юзасидан Республика таълим маркази томонидан тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб, уларда ўқув йили мобайнида у ёки бу ўқув фани таълими соҳасида амал қилиниши лозим бўлган энг муҳим ўзгариш ва янгиланишлар ўз аксини топган.

Шўъба йиғилишларида ўқув режасидаги ҳар бир фан бўйича вилоят ПҚТМОИ, Методика(Таълим) маркази ҳамда туман Методика кабинетлари мутахассислари томонидан Давлат таълим стандартлари, илғор педагогик тажрибалар ва янги педагогик технологияларни жорий этиш соҳасида орттирилган илғор иш тажрибалари асосида у ёки бу ўқув фанининг режалаштирилиши ва ўқитилиши, айрим мавзуларнинг талқини тўғрисида маърузалар қилиниши, бу мулоҳазалар қатнашчилар томонидан кенг муҳокама этилиши ва шўъба йиғилишларининг тавсиялари қабул қилиниб, жойлардаги таълим муассасаларига етказилиши ҳамда амалиётга татбиқ этилиши лозим.

ХТВ Умумий ўрта таълим Бош бошқармаси



КЕЛАЖАККА ИШОНЧ

Anjuman

Куни кеча Юнусобод туманидаги 154- мактабгача таълим муассасасида тумандаги барча мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари, туман халқ таълими бўлими услубий бирлашмаси аъзолари иштирокида "Мактабгача ёшдаги болаларда келажакка ишонч туйғусини шакллантириш" мавзусидаги амалий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан файласуфлар жамияти раиси К. Назаров ёш авлодга ота-боболаримизнинг ибратли ҳаётини ҳар доим эслатиш, ривоятлар, ҳикматлар ўргатиш катта аҳамиятга эгалигини таъкидлади.

Шундан сўнг Абдуразоқ Қори Юнусов "Ислом дининнинг ўсиб келаётган ёш авлод таълим-тарбиясидаги ўрни" мавзуида маруза қилди.

Шундан сўнг, ранг-баранг либосларда кўзни яшнатиб турган боғча кичкинтойларининг "Мустақил юрт фарзандиман!" номли чиқишлари барчага шодлик ва қувонч бахш этди.

Муассаса раҳбари Нодира Пўлатова анжуман иштирокчиларига маънавият ва маърифатга оид жиҳозлар намойиш қилдилар.

Шу ўринда мазкур муассаса тўғрисида ҳам озроқ тўхталсак. Ушбу кичкинтойлар маскани Юнусобод туманининг қоқ марказида жойлашган бўлиб, бу ерга кирган киши ўзини ўрмонга, эртаклар оламига кириб қолгандек ҳис қилади. Атроф дарахтлар ва гуллар билан ўралган. Шунинг учун бўлса керак, ҳавоси тоза ва майин шабада эсиб туради.

Бу ерда 280та кичкинтойлар таълим-тарбия олиш билан биргаликда рақс, каратэ, рассомчилик каби тўгаракларда ҳунар эгалламоқдалар. Расм чизишга қобилияти бор болаларга Л.Ражабова ва рақс тўгараги раҳбари М.Шепетьевалар рақс ва рассомчилик сирларини ўргатмоқдалар. Зеро, санъат ва нафосатга ошно қалблар доимо эзгуликка интилиб яшагайлар.

Нозима ИНОЯТОВА

Sinab ko'ring

ЎЙИН ШАРТЛАРИНИ ДАРСИМГА МОСЛАБ ЎЗГАРТИРДИМ

Мамлакатимизда ҳамма соҳада бўлганидек таълим соҳасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. ДТС талаблари бўйича ўқув дастурлари, янги педагогик услубларни амалиётга татбиқ қилиш борасида бошқа фанлар каби она тили ва адабиёт фани ҳам ўқитувчи олдига масъулиятли вазифаларни қўймоқда.

Бугунги ўқитувчи фақат янги мавзу материалларини тушунтирувчи шахс бўлиб қолмай, балки ижодкор ҳам бўлиши керак, деб ўйлайман. Шу мақсаддан келиб чиқиб ўз фаолиятимдаги методик ва педагогик жараёнларни ҳамкасбларим билан ўртоқлашмоқчиман. Ёш ўқитувчилар, баъзан муайян тажрибага эга бўлган муаллимлар ҳам такрорлаш дарсларини ташкил қилиш ва ўтказишда бир ёқламаликка амал қиладилар.

Мен бир неча йиллар давомида она тили ва адабиёт дарсларини қизиқарли ўйинлар, театрлаштириш, эмоционал, эстетик тарбия билан боғлиқ ҳолда ташкил қилиб ўтказиб келаман. 5-синфда "Ҳикмат дурдоналари", "Эртаклар ва афсоналар садоси" бобларидан кейин ўтказиладиган такрорлаш дарсини қуйидагича ўтказиш кутилган натижани бермоқда. Ўқувчиларга ўтилган мавзулар асосида расм чиздириш, қўғирчоқлар ясаш ва тикиш, асар қаҳрамонларига оид нарсаларни тайёрлаш, яъни, ўқилган асарлар тасаввурида расм чизиш, ясаш ва тикиш ишлари уйга вазифа қилиб бериб борилади. Дарс "Бир зумда жавоб бер" савол-жавоб ўйини билан бошланади.

Бунинг учун синфни 2 ёки 4 гуруҳга бўлиб, уларга ўтилган мавзулар ва дарсдан ташқари материаллар асосида саволлар берилади. Ўқувчилар саволларга тез ва аниқ жавоб беришлари керак. Масалан, шундай саволлар бериш мумкин:

Савол: Ўзбек халқ эртакларидан қайсиларини биласиз?

Жавоб: "Уч оға-ини ботирлар", "Гулиқаҳҳаҳ", "Зумрад ва Қиммат", "Ур тўқмоқ".

Савол: Азоб-уқубат йўқ, фароғатли юрт қаер?

Жавоб: Сусамбил.

Савол: Аждарни ўлдирган ботир ким?

Жавоб: Ўртанча ботир.

Савол: "Ойгул билан Бахтиёр" эртагининг муаллифини айтинг.

Жавоб: Ҳамид Олимжон.

Савол: Оғаларини сехрдан қутқарган қиз ким?

Жавоб: Элиза.

Савол: Массагетлар қабиласи сардори бўлган аёл?

Жавоб: Тўмарис.

Савол: Чингиз тўрт ўғлига алмашмоқчи бўлган шаҳзода ким?

Жавоб: Жалолиддин Мангуберди.

Савол: Хоразмлик шоҳ ва шоир ким?

Жавоб: Феруз (Муҳаммад Раҳимхон).

Савол: Миллий ғоя, деганда нимани тушунасиз?

Жавоб: Бутун халқнинг, миллатнинг мақсад ва манфаатларини акс эттирган ғоя.

Бу каби саволлар ўқувчиларни адабиёт дарсига жалб қилиш билан бирга, уларни изланишга, дарсдан ташқари китобларни ўқишга ундайди. Дарсда уларнинг сўзлар ёрдамида ўз фикрини билдириш, билағонликда фаоллик кўрсатиш имкониятларини очиб беради.

Дарснинг кейинги босқичини "Мўъжизалар майдони" деб номладик. Бунда ўқувчилар тасвирий санъат, яъни, ўзлари чизган энг яхши расмлар орқали ўтилган мавзуларни такрорлайдилар. Ҳар бир гуруҳга чизилган расмлар ҳавола қилиниб, шу расм орқали асар номи, муаллифи, расмда ифодаланган мақсад, акс эттирилган воқеа ёки тимсолга таъриф берилади. Чизилган расмнинг нуқсон ва камчилиги, муваффақияти ҳам таҳлил қилинади.

Дарснинг учинчи босқичи гуруҳларга олдиндан берилган уйга вазифа шарти бўлган "Қаҳрамонларга таъриф беринг" кўргазмали топишмоқ саволлар беллашувидир. Бунинг учун эртаклар, афсоналар тимсоллари кўғирчоқ шаклида уйда тикилиб, тайёрланади. Бир гуруҳ иккинчи гуруҳга шу тимсол кўғирчоқларни кўрсатиб таъриф беришини сўрайдилар. Иккинчи гуруҳ аъзолари маслаҳатлашиб тавсиф беради.

Дарснинг ҳар бир босқичи бир-бирини мазмунан ва мавзу жиҳатдан тўлдириб боради. Ўқувчиларнинг фаоллиги ошади. Дарснинг сўнгги босқичи халқ миллий ўйинлари билан боғланади. Мен "Оқ теракми, кўк терак" ўйинидаги шартларни дарсимга мослаб ўзгартирдим. Гуруҳдаги сўралган ўқувчи иккинчи гуруҳ томонидан берилган топишмоқни топиши, мақолни давом эттириши, бадиий асар қаҳрамони нутқини айтиб бериши керак. Ўйиннинг шарти шуки, саволлар асарлар юзасидан бўлиши керак. Ўқувчи жавоб бера олса гуруҳ учун зарур балли қўлга киритади, агар билмаса бу балл рақиб гуруҳга қўйилади. Бир ўқувчи 2 марта қатнашмайди.

Дарсни бундай тарзда ташкил қилиш кўп мавзуларни такрорлаш, ўқувчиларда ўзлари ўқиган асарлар юзасидан таҳлилий фикрлаш ва жуда кўп маълумотларни эсда сақлаб қолиш имкониятини яратади. Уларда ўзлари чизган расмлар орқали эстетик дид шаклланади, ривожланади, асар тимсоллари макетларини яратиш эса меҳнат қобилиятини оширади, касб-ҳунарга, катталар меҳнатини қадрлашга ўргатади.

Мусобақа шаклидаги бу дарс ўқувчиларнинг нутқ бойлигини ошириш билан бирга мустақил ҳаракат қилиш фаоллигини янада оширади.

Болалар ясаган расм ва макетлар, қўғирчоқ ва шакллар эса синфда қўғирчоқ театри гуруҳи тузиш учун асос бўлади. Демак, болалар қобилиятининг яна бир қирраси очилиши учун замин тайёрланади.

Ўқувчилар бундай дарслардан кейин янада кўпроқ изланишга, дарсдан ташқари бадиий китоблар ўқишга ҳаракат қиладилар. Уларнинг адабиёт фанига қизиқиши ва муҳаббати янада ошади.

Дармонжон БОЗОРБОЕВА,
Гурлан туманидаги Жалолиддин Мангуберди номидаги мактабнинг олий тоифали она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

ВАТАН НОМИ БИЛАН АТАЛГАН ДАРГОҲ

Ta'lim fidoyilari

Хоразм вилояти Янгиариқ туманининг Хива тумани билан чегарадош Каттабоғ қишлоғида жойлашган уч қаватли 844 ўринли, салобатли 26-мактаб биноси атрофига экилган 100 туп Хоразм гужуми, 40 туп арча, 700 туп олма, ўрик, шафтоли, қарийб 10 000 туп Америка тераклари, унинг кўркига-кўрк, чиройига-чирой қўшиб турибди.

1994 йилда қурилиб ишга тушган, бу илм масканимизга ҳамма ҳавас қилади. Истиқлолимиз шарофати билан қад ростлаган "Ўзбекистон" номи билан аталувчи бу даргоҳда 64 нафар ўқитувчи 764 нафар ўқувчига таълим-тарбия беради. Даргоҳимизда ишлаётган ўқитувчиларнинг деярли барчаси, шу масканимизнинг собиқ ўқувчиларидир. Сал кам чорак асрдан буён, илм масканимизга дарғалик қилаётган Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, Мустақиллик нишони соҳиби, самимий ва талабчан устоз Рустамбой ака Исмоиловнинг ўзлари ҳам худди шу мактабимизда таълим олганлар.

— Мен, энг аввало, мактабимизни Ватанимиз — Ўзбекистон номи билан аталишидан фахрланаман дейди, — доим Рустам ака ғурур билан. — Зеро, Ватанни, ота-онани танламайдилар. У яратганнинг ўзи томонидан бериладиган улуғ ва муқаддас неъматдир.

Асосийси, Рустам ака Исмоилов илм масканимизда ўтказиладиган ҳар бир тадбирда "Ўзбекистон — Ватан" сўзларининг нақадар улуғ ва мўътабарлигини, шу номга муносиб бўлиш, ҳар бир ўғил-қизларнинг фарзандлик бурчи эканлигини доим эслатиб турадилар.

Кувонарлиси, мактабимиздаги муаллимларнинг аксарияти ижодкор ўқитувчилардир. Дилмира Исмоилова, Аноргул Ражабова, Дилбар Жуманазарова, Барно Рўзметова, Зарафшон Раҳимова каби кўплаб ўз касбининг фидойилари турли вилоят ва республика тадбирларида фаол қатнашиб келмоқдалар.

Ҳар йили битирувчиларимизнинг 50 фоизи Олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш бахтига мушарраф бўлмоқдалар.

— Бизлар, қанча ютуқларга эришган бўлсак, унда ўқитувчиларимизга куч-қувват бериб турган ягона бир сўз бор. Бу сўз — ЎЗБЕКИСТОН. Шу улуғ сўз замирида келажаги буюк Ўзбекистонимиз ва шу ном билан аталган азиз илм даргоҳимиз борлигини чуқур ҳис қилган ҳолда, ёшларимизнинг Ватанга муносиб фарзанд бўлиб етишишлари учун хизмат қилаверамиз, — дейди Рустам ака фахр билан. Дарвоқе, устозимиз шу даврга қадар 2 та мактаб қурилишига бош-қош бўлдилар. Шунингдек, мактабда иссиқхона ҳамда ошхона қурилиши, радиоузелнинг ишга туширилиши, ёпиқ телестудия ташкил этилиши, 2 гектар ерда янги боғ яратилиши ҳам устоз номи билан бевосита боғлиқдир.

Қувончой КАРИМОВА,
Назира ИСМОИЛОВА,
шу мактаб ўқитувчилари

Август кенгашларида асосий эътибор Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури иккинчи босқичи вазифаларидан келиб чиққан ҳолда таълим жараёнини методик жиҳатдан таъминлаш, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш масалаларига қаратилиши лозим.

Иқтидорли болалар билан ишлаш, ихтисослашган мактаб ва синфларни ташкил этиш юзасидан Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Халқ таълими бўлимининг иш тажрибаси маъқуллансин ва Республика бўйича оммалаштиришга тавсия этилсин.

2002 йил 29-30 майда "Узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш истиқболлари" мавзуида Тошкент шаҳрида ўтказилган Республика ўқув семинарининг ТАВСИЯЛАРИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси ўқитувчиларининг биринчи конференциясида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг биринчи босқич вазифаларини бажариш юзасидан халқ таълими соҳасида кенг қамровли ишлар амалга оширилганлиги эътироф этилган эди.

Шу билан бир қаторда, Миллий дастурга мувофиқ ишлаб чиқилган давлат таълим стандартлари (давлат талаблари)ни ўқув-тарбия жараёнига жорий этишда таълим муассасаларига методик ёрдам кўрсатиш талаб даражасида эмаслиги, халқ таълими тизимида методик хизмат кўрсатишнинг узлуксизлиги таъминланмаганлиги ҳақида сўз юритилиб, конференция томонидан қабул қилинган тавсияларда ушбу муаммони ҳал этиш масаласи қўйилган эди. Вазирлик ҳайъатининг 2001 йил 27 июлдаги мажлисида методик хизмат кўрсатиш юзасидан ўқитувчилар конференциясида кўтарилган муаммолар, узлуксиз методик хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш масалалари атрофлича муҳокама қилиниб, "Халқ таълими тизимида узлуксиз методик хизматни такомиллаштириш тўғрисида" ги 7/3-сонли қарор қабул қилинди. Ўтган ўқув йили давомида вазирликнинг мазкур ҳайъат мажлисида қабул қилинган қарор ва меъёрий ҳужжатлар асосида узлуксиз методик хизмат кўрсатишни таъминлашга қаратилган кенг қамровли ишлар олиб борилди. Узлуксиз методик хизматни ташкил этиш жараёнида Республика Таълим маркази ва бошқа Республика ташкилотлари, Тошкент шаҳар (туман) Методика кабинетлари ходимлари томонидан методик хизмат кўрсатишнинг 11 та йўналиши бўйича қатор меъёрий ҳужжат лойиҳалари, йўриқномалар, методик тавсиялар ишлаб чиқилди ва 2001/2002 ўқув йилида Тошкент шаҳри халқ таълими тизимида синовдан ўтказилди.

2002 йил 29-30 майда "Узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш истиқболлари" мавзуида ўтказилган Республика ўқув семинарида мазкур меъёрий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокама қилиниб, маъқулланди. Республика Таълим марказида ҳамда Тошкент шаҳрининг 11 та туманида интерактив методларда ўтказилган шўъба йиғилишларида семинар иштирокчилари томонидан тегишли йўналишлар бўйича тавсиялар ишлаб чиқилиб, Республика ўқув семинарининг якуний мажлисида қабул қилинди.

Қуйида "Узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш истиқболлари" мавзуида ўтказилган Республика ўқув семинари томонидан ҳар бир йўналиш бўйича қабул қилинган тавсиялар берилмоқда. Таълим муассасалари жамоаларида методик хизмат кўрсатишга бўлган эҳтиёж катталиги, методик хизматнинг узлуксизлигини таъминлаш зарурати, 2002/2003 ўқув йилини "Халқ таълими тизими муассасаларида методик хизмат кўрсатишни такомиллаштириш ўқув йили" деб эълон қилиниши муносабати билан бу йилги халқ таълими ходимларининг анъанавий Август кенгашларида асосий эътибор Кадрлар тайёрлаш миллий дастури иккинчи босқичи вазифаларидан келиб чиққан ҳолда таълим жараёнини методик жиҳатдан таъминлаш, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш масалаларига қаратилиши лозим. Август кенгашларига тайёргарлик ишларида ушбу йўналишларда келтирилган тавсиялар инобатга олиниши зарур.

Умумий йўналиш: **Таълим муассасаларига методик ёрдам кўрсатишнинг ташкилий масалалари бўйича**

1. Республика, вилоят, туман ва таълим муассасаси миқёсида методик хизматга бўлган эҳтиёж аниқланиши, эҳтиёжга мувофиқ равишда таълим муассасаларига методик ёрдам кўрсатиш истиқбол дастури, уни амалга ошириш тадбирлари ишлаб чиқилиши, республика, вилоят, туман миқёсида ва таълим муассасаси томонидан қабул қилинган истиқбол дастури ва тадбирларнинг ижроси назоратга олиниши лозим.

2. Республика халқ таълими тизимида методик хизмат кўрсатишнинг узлуксизлигини таъминлаш, туман Методика кабинетлари фаолиятидаги муаммоларни ҳал этиш юзасидан тавсиялар бериб боришга йўналтирлган туман Методика кабинети мудирлари уюшмасини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

3. Мактабгача таълим ва бошланғич таълим йўналишлари, ўқув фанларини ўқитишдаги муаммоларни ва улар ечимини аниқлаш, чора-тадбирлар белгилаш, дастур ва дарсликларни таҳлил қилиш, тегишли йўналиш ва фан бўйича таълим-тарбияни ривожлантириш мақсадида мактабгача таълим, бошланғич таълим ва ўқув фанлари бўйича ижодкор ўқитувчилар (тарбиячилар) уюшмаси ташкил этилиши лозим.

4. 2002 йил 29-30 майда "Узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш истиқболлари" мавзуида Республика ўқув семинарларининг Тошкент шаҳри туманларидаги шўъба йиғилишларида 11 та йўналишда интерактив методларда ўтказилган семинар-тренингларни жойларда ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

5. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига биноан узлуксиз методик хизмат кўрсатишни такомиллаштириш асосида таълим сифатини ошириш мақсадида 2002/2003 ўқув йилини "Халқ таълими тизими муассасаларида методик хизмат кўрсатишни такомиллаштириш ўқув йили" деб эълон қилиниши ҳамда таълим бошқарувининг ҳамма даражаларида мазкур ишларни намунали ташкил этиш чора-тадбирлари белгиланиб амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

1-йўналиш: **Мактабгача таълим ёшидаги болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш бўйича**

1. Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлимининг мактабгача таълим йўналиши бўйича иш тажрибаси маъқуллансин ва уларни Республика бўйича оммалаштиришга, Республика Таълим маркази ва мазкур туман Методика кабинети томонидан тайёрланган методик қўлланма ва тавсиялар нашрга тавсия этилсин.

2. Ноанъанавий мактабгача таълим шаҳобчалари (саводхонлик марказлари, қисқа муддатли гуруҳлар, мактаблар қошидаги тайёрлов гуруҳлари ва бошқалар) учун низомлар, дастурлар, методик тавсиялар тайёрлаш ва жойларга етказиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

3. Республика, вилоят, туман ва таълим муассасаси миқёсида "Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари" бажарилишини ҳамда "Учинчи минг йилликнинг боласи" таянч дастурининг ўзлаштирилишини таъминлашга йўналтирилган "Мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш истиқбол дастури"ни ишлаб чиқиш, тегишли ҳудуддаги барча мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш ишларини мазкур истиқбол дастури асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

4. Туман(шаҳар) Методика кабинети ҳузуридаги мактабгача таълим бўйича Методика кенгаши, йўналишлар бўйича Методика уюшмалари фаолиятини ривожлантириш, миқёсида ҳар бир ўқув фанидан ДТС талаблари асосида ўқув дастурларининг бўлимлари бўйича ҳар бир синф учун тест топшириқлари ва бошқа назорат материаллари банкини ташкил этиш, уларни тўплам шаклида нашр этиш ва жойларга етказиш лозим.

4. ДТС ижроси мониторинги натижалари асосида ўқувчилар билимида аниқланган бўшлиқларни тўлдириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилиши ва жойларга етказилиши лозим.

5. Методика кабинети томонидан ДТС ижроси таъминланиши қийин бўлган мураккаб мавзулар бўйича методик тавсиялар, дарс ишланмалари ва бошқа ёрдамчи методик материаллар тайёрланиши ва тумандаги барча мактабларга етказиб турилиши лозим.

6. Методика кабинети томонидан ўзлаштирилиши қийин бўлган мавзулар бўйича ўқув семинарлари, семинар-тренинглар, консултациялар ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

7. Умумий ўрта таълим мактабларида ДТС ижросини ўрганиш юзасидан ички назоратларни мунтазам олиб бориш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаш ва амалга оширилиши таъминланиши лозим.

8. ДТС ижросини ўрганиш натижасида аниқланган бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар учун синфдан ташқари машғулотларни ўтказиш, уларнинг ота-оналари билан ишлашни ташкил этиш ва амалга ошириш лозим.

3-йўналиш: **Миллий истиқлол ғоясини ёш авлод қалбига сингдиришга оид таълим жараёнини ташкил этишга методик ёрдам кўрсатиш бўйича**

1. Мактабгача ёшдаги болалар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириб боришга йўналтирилган Шарқнинг буюк алломалари, саркардалари ҳақида маълумотлар жамланган машғулотлар тўплами тайёрланиши ва жойларга етказилиши мақсадга мувофиқ.

2. Мактабгача ёшдаги болаларга буюк мутафаккирлар тўғрисида маълумотлар беришга йўналтирилган Шарқнинг буюк алломалари, саркардалари тасвирланган рангли расмлар альбоми тайёрланиши ва жойларга етказилиши лозим.

3. Бошланғич синфларда "Одобнома" дарсларида ўқувчиларга миллий истиқлол ғоясини сингдиришга йўналтирилган ўқитувчилар учун методик тавсияларни тайёрлаш ва жойларга етказилиши лозим.

4. Миллий истиқлол ғоясини ўқувчилар қалбига сингдиришда ўқитувчиларга методик ёрдам сифатида "Ватан туйғуси" (5, 6-синфлар), "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" (7, 8, 9-синфлар) ҳамда "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" (10, 11-синфлар) ўқув фанларидан методик қўлланмалар тайёрлаш ва жойларга етказилиши мақсадга мувофиқ.

5. Умумий ўрта таълим мактабларида "Одобнома", "Ватан туйғуси", "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари", "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанидан ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини аниқлашнинг шакл ва усуллари ҳамда назорат қилиш механизми қамраб олинган меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилиши лозим.

6. "Одобнома", "Ватан туйғуси", "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари", "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" ўқув фанлари ўқитувчилари учун мактаб фан Методика бирлашмалари, туман Методика уюшмалари ва Таянч мактабларини ташкил этиш юзасидан методик тавсия тайёрланиши, улар фаолиятини тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар ва тайёрланган методик тавсиялар асосида юритиш йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ.

7. Мазкур фанлардан дарс берадиган амалиётчи ва экспериментатор ўқитувчиларнинг олиб бораётган ижобий ишларини туман, вилоят ва республика бўйича оммалаштирилиши лозим.

8. Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун Август кенгашлари бошлангунга қадар мазкур фанлар бўйича шартнома асосида дастур ва тақвимий мавзуий режалаштиришларни ишлаб чиқиш ҳамда шу тилларда чиқадиган Республика газеталарида чоп эттириш ва жойларга етказилиши мақсадга мувофиқ.

4-йўналиш: **Туман(шаҳар) Методика кенгаши ҳамда фан Методика уюшмаларини ташкил этиш ва фаолиятини юритиш бўйича**

1. "Туман(шаҳар) Методика кабинети ҳузуридаги Методика кенгаши тўғрисида Низом" асосида туман Методика кенгаши фаолиятини ташкил этиш ва юритиш бўйича методик тавсия ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

2. Туман(шаҳар) ХТБ тасарруфидаги умумий ўрта таълим мактабларида Давлат таълим стандартлари ижросини таъминлаш ва таълим самарадорлигини оширишга йўналтирилган истиқбол дастури ишлаб чиқилиши, Методика кенгаши томонидан қабул қилиниши, унинг асосида тадбирлар тузилиши ва бажарилиши назоратга олиниши зарур.

3. Умумий ўрта таълим муассасаларига методик хизмат кўрсатишнинг узлуксизлигини таъминлаш учун туман(шаҳар) миқёсида бошланғич таълим, ҳар бир ўқув фанидан, шунингдек, ўқув (методика) ишлари бўйича директор ўринбосарлари, мактаб кутубхоначиларининг Методика уюшмалари ташкил этилиши ва уларнинг "Туман (шаҳар) фан Методика уюшмалари тўғрисида Низом"га мувофиқ фаолият кўрсатишини йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ.

4. Тегишли йўналиш ва фанлар бўйича Методика уюшмасининг ижодкор ўқитувчилардан иборат бўлган фаоллар гуруҳини тузиш, Методика кабинетининг фан методисти мазкур фаоллар гуруҳи ёрдамида белгиланган вазифаларни амалга ошириши тавсия этилади.

5. Туман фан Методика уюшмаларини ташкил этиш ва фаолиятини юритиш бўйича Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани Халқ таълими бўлимининг иш тажрибаси маъқуллансин ва Республика бўйича оммалаштиришга тавсия этилсин.

6. Умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларига методик ёрдам кўрсатиш, улар учун ўқув семинари, семинар тренинг ва бошқа машғулотларни мунтазам ўтказиб бориш, ўқитувчилар малакасини ошириб бориш мақсадида туман(шаҳар) миқёсида бошланғич таълим, ҳар бир ўқув фанидан Таянч мактабларини ташкил этиш ҳамда уларнинг "Туман(шаҳар) Методика кабинети қошидаги Таянч мактаби тўғрисида Низом"га мувофиқ фаолият кўрсатишини йўлга қўйиш лозим. Тегишли фан ёки йўналиш бўйича Таянч мактаби шу фан ёки йўналиш бўйича ўқитувчиларга методик ёрдам кўрсатиш маркази бўлиб қолиши керак. Таянч мактаби сифатида тегишли фан Методика уюшмасининг раиси фаолият кўрсатаётган мактаб танланиши мақсадга мувофиқ.

7. Туман фан Методика уюшмалари ва Таянч мактаблари "Туман(шаҳар) фан Методика уюшмалари тўғрисида Низом"га ҳамда "Туман (шаҳар) Методика кабинети қошидаги Таянч мактаби тўғрисида Низом"га мувофиқ фаолият кўрсатишини таъминлашга йўналтирилган методик тавсиялар тайёрлаш ва жойларга етказиш лозим.

8. Методика уюшмага ҳар бир мактабдан 1 тадан ижодкор ўқитувчи (қоида тариқасида, мактаб фан Методика бирлашмаси раҳбари) аъзо қилиниб олиниши лозим. Ҳудуди катта ва мактаблар сони 30 дан ортиқ бўлган туманларда фан Методика уюшмаларини ҳудудий тарзда (битта туманда битта йўналиш ёки фандан ҳудудлар бўйича 2-3 та) ташкил этиш тавсия этилади.

9. Таянч мактабларида бошланғич таълим ва фанлар бўйича ўқув семинарлари, семинар-тренинглар ва бошқа машғулотлар ўтказилиши йўлга қўйилиши лозим.

10. Туман(шаҳар) Халқ таълими бўлими томонидан самарали фаолият кўрсатаётган фан Методика уюшмаларининг раислари ва фаол аъзоларини маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириб бориш мақсадга мувофиқ. Ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда самарали фаолият кўрсатаётган фан Методика уюшмалари раисларига ишлаётган мактабда бир окладнинг 20-50 фоизи миқдорида қўшимча иш ҳақи қўшиб бериш тавсия этилади.

5-йўналиш: **Мактаб Методика кенгаши ва фан Методика бирлашмалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича**

1. Мактаб фан Методика бирлашмаларини ташкил этиш ва фаолиятини юритиш бўйича Тошкент шаҳар Бектемир тумани Халқ таълими бўлими ва таълим муассасалари иш тажрибаси Республика бўйича оммалаштиришга тавсия этилсин.

2. Мактаб фан Методика бирлашмаларини тегишли фан (йўналиш) бўйича ўқитувчилар фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи марказга айлантиришга эришиш зарур.

3. Мактаб Методика кенгашлари ва фан Методика бирлашмалари фаолиятини "Умумий ўрта таълим мактаб Методика кенгаши тўғрисида Низом" ва "Умумий ўрта таълим мактаби фан Методика бирлашмалари тўғрисида Низом"га мувофиқ фаолият кўрсатишини таъминлашга йўналтирилган методик тавсиялар тайёрлаш ва жойларга етказиш зарур.

4. Умумий ўрта таълим мактабларида ДТС талаблари бажарилиши, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, илғор педагогик тажрибаларни таълим жараёнига татбиқ этиш, ёш мутахассислар билан ишлашда фан Методика бирлашмалари масъулиятини ошириш лозим.

5. Республика Таълим маркази, вилоятлар Методика марказлари, туман Методика кабинетлари томонидан мактаб фан Методика бирлашмаларининг фаолияти мунтазам ўрганиб борилиши, уларга методик ёрдам кўрсатиб борилиши, илғор тажрибали мактаб фан Методика бирлашмалари фаолияти оммалаштирилиши лозим.

6. Самарали фаолият кўрсатаётган мактаб фан Методика бирлашмалари мактаб Методика кенгашининг тавсияси билан маънавий ва моддий рағбатлантириб борилиши мақсадга мувофиқ.

6-йўналиш: **Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосидаги илғор педагогик технологияларни ва ижодкор ўқитувчилар иш тажрибаларини оммалаштириш бўйича**

1. Илғор педагогик технологияларни (интерактив методлар, ноанъанавий дарслар ва бошқаларни) таълим жараёнига татбиқ этиш юзасидан методик тавсиялар ишлаб чиқилиши ва жойларга етказилиши зарур.

2. Республика Таълим маркази ва Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Методика кабинети томонидан ишлаб чиқилган "Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш мезонлари" номли методик тавсиялар маъқуллансин ва нашрга тавсия этилсин.

3. "Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш мезонлари"га риоя қилган ҳолда жойларда илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш йўлга қўйилиши лозим.

4. "Илғор педагогик технологиялар" бўйича тўплам тайёрлаш, унинг даврий равишда нашр этилишини ташкил этиш ва жойларга етказиш.

5. "Интерактив методларда семинар-тренингларни ўтказиш тартиби" ишлаб чиқилиши ва жойларга етказилиши лозим.

6. Республика Таълим маркази томонидан вилоят Методика марказларининг етакчи методистларидан семинар-тренингларни ўтказувчи тренерларни тайёрлаш мақсадга мувофиқ.

7. "Интерактив методларда семинар-тренингларни ўтказиш тартиби" асосида вилоят Методика марказининг етакчи методистлари томонидан туман Методика кабинетининг методистлари ўртасида, Методика кабинети методистлари томонидан ҳар бир фан Методика уюшмалари аъзолари ўртасида, Методика уюшмаси аъзолари томонидан мактаб фан Методика бирлашмаси аъзолар ўртасида даврий равишда интерактив методларда семинар-тренингларни ташкил этиш ва ўтказишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

7-йўналиш: **Иқтидорли болалар, ихтисослашган мактаблар (синфлар) билан ишлаш, фан олимпиадаларини ўтказиш бўйича**

1. Иқтидорли болалар билан ишлаш, ихтисослашган мактаб ва синфларни ташкил этиш юзасидан Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Халқ таълими бўлимининг иш тажрибаси маъқуллансин ва Республика бўйича оммалаштиришга тавсия этилсин.

2. Иқтидорли ўқувчиларни излаш, танлаш ва ихтисослашган мактабларга қабул қилишда фан тестларидан ташқари психологик тестлар, ёзма ишлар, индивидуал суҳбат усулидан, қобилият ва иқтидорликни аниқловчи ижодий ишлардан фойдаланиш тавсия этилади.

3. Маълум бир фаннинг турли қирралари мавжуд. Халқаро олимпиада тажрибаларини инобатга олган ҳолда фан олимпиадаларини ўтказиш тартибини қайта кўриб чиқиш, ғолибларни турли номенациялар бўйича аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш мақсадга мувофиқ.

4. Мутахассислар томонидан иқтидорли болани аниқлаш ва ривожлантириш методикаси, боланинг психологик хусусиятларини чуқур ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш механизмини ишлаб чиқилиши лозим.

5. Ихтисослашган мактаб(синф)ларни ташкил этиш, улар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш мақсадида туман(шаҳар)ларда шу йўналишда Методика уюшмаларини тузиш ва таянч мактабларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

6. Туман(шаҳар) ХТБ тасарруфидаги ихтисослашган мактаблар, фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган синфларни ташкил этиш ва фаолиятини юритиш бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатларни ўрганиб чиқиш ва уларнинг такомиллаштирилган вариантини ишлаб чиқиш ҳамда жойларга етказиш зарур.

7. Ихтисослашган мактаб ва синфлар учун намунавий ўқув режаларини ишлаб чиқиш, чуқурлаштириб ўқитиладиган фанлардан ўқув дастурлари, дарсликлар ва методик қўлланмалар яратиш лозим.

8. Ихтисослашган мактаб ва синфлар ўқувчиларининг компьютер техникаси, интернет хизматидан фойдаланишлари учун имконият ва шароит яратиш мақсадга мувофиқ.

9. Иқтидорли ўқувчиларга билимларини ошириб боришлари учун шароитлар яратиш, уларни маънавий ва моддий рағбатлантиришда маҳаллий ҳокимият, жамғармалар, ҳомийлар, маҳаллаларни жалб этиш лозим.

8-йўналиш: **Методика кабинети кутубхонасини ва мактаб кутубхоналарини юритиш бўйича**

1. Туман Методика кабинети кутубхонаси ҳамда мактаб кутубхонаси фаолиятини юритиш бўйича Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлимининг иш тажрибаси маъқуллансин ва Республика бўйича оммалаштиришга тавсия этилсин.

2. Туман(шаҳар) Методика кабинетлари кутубхоналари фаолияти "Туман(шаҳар) Халқ таълими бўлими қошидаги Методика кабинети кутубхонаси тўғрисида Низом" асосида ташкил этилиши ва юритилишини йўлга қўйиш лозим.

3. Мактаб кутубхоналари фаолиятини вазирликнинг 2001 йил 31 октябрдаги 158-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Умумий ўрта таълим мактаби кутубхонаси Низоми" ва "Мактаб кутубхона жамғармасини тўлдириш тартиби" асосида ташкил этиш, мактаб кутубхоналари ҳужжатларини вазирликнинг 2001 йил 5 декабрдаги 178-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Умумий ўрта таълим мактаблари ҳужжатларини юритиш бўйича йўриқнома"нинг 12-банди асосида юритилиши таъминланиши зарур.

4. Мактаб кутубхоналари ишини ташкил этиш муаммолари, халқ таълими мутахассисларига хизмат кўрсатиш, ўқувчиларни кутубхонага жалб қилиш, китобхонлик савиясини ошириш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилиши ва жойларга етказилиши лозим.

5. Ўқув-тарбия жараёни талабларига жавоб берувчи янги ўқув-методик, илмий-оммабоп, бадиий адабиётлар билан мактаб кутубхоналари жамғармасини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

6. Туман(шаҳар) бўйича мактаб кутубхоначиларининг Методика уюшмаси фаолияти йўлга қўйилиши, унинг фаолият юритиш юзасидан методик тавсиялар тайёрланиши ва жойларга етказилиши лозим.

7. Кутубхона ходимлари учун мунтазам чоп этиладиган касбий матбуот органини тузиш, у орқали кутубхоначилик ишини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари, китобхонларга хизмат кўрсатишнинг янги, ноанъанавий шакл ва методлари, ахборот технологияларини бериб борилишини йўлга қўйиш лозим.

8. 2001/2002 ўқув йилида республикадаги 14 та туманда тажрибасиновдан ўтказилган ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизими маъқуллансин ва уни республика бўйича оммалаштириш мақсадга мувофиқлиги кўрсатиб ўтилсин.

9-йўналиш: **Ўқувчиларнинг бўш вақтларини ташкил этиш, синфдан ва мактабдан ташқари ишларни юритиш бўйича**

1. Ўқувчиларнинг бўш вақтларини ташкил этиш, синфдан ва мактабдан ташқари ишларни юритиш бўйича Тошкент шаҳар Миробод тумани халқ таълими бўлимининг иш тажрибаси маъқуллансин ва Республика бўйича оммалаштиришга тавсия этилсин.

2. Ўқувчиларнинг бўш вақтларини ташкил этишга ва касб-ҳунар ўрганишга йўналтирилган тўгарак турлари банки яратилиши мақсадга мувофиқ.

3. Ўқувчиларнинг бўш вақтларини ташкил этишга ва касб-ҳунар ўрганишга йўналтирилган тўгаракларнинг амалдаги дастурлари қайта кўриб чиқилиши, янгилари яратилиши ва РТМ қошидаги Илмий методик кенгаш муҳокамасидан ўтказилиши лозим. Тўгарак дастурларини Илмий методик кенгаш тавсияси билангина амалиётга жорий этилиши йўлга қўйилиши зарур.

4. Ўқувчиларнинг бўш вақтларини ташкил этиш ва касб-ҳунар ўрганишга йўналтирилган тўгаракларга методик ёрдам бериш кучайтирилиши, тўгарак раҳбарлари учун методик қўлланма, тавсиялар ва бошқа методик материаллар ишлаб чиқилиши ва жойларга етказилиши лозим.

5. Ўқувчиларнинг бўш вақтларини ташкил этиш, синфдан ва мактабдан ташқари ишларни юритиш бўйича туман Методика уюшмаси ташкил этилиши ва фаолияти йўлга қўйилиши лозим.

6. Ўқувчиларнинг бўш вақтларини ташкил этиш, синфдан ва мактабдан ташқари ишлар бўйича туман Методика уюшмаси ва таянч мактабини ташкил этиш ва фаолиятини юритиш юзасидан методик тавсиялар ишлаб чиқилиши ва жойларга етказилиши мақсадга мувофиқ.

7. Тўгарак раҳбарларини қайта тайёрлаш ва малакаларини ошириш йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ.

8. Умумий ўрта таълим муассасаларининг болалар етакчилари учун методик тавсиялар ишлаб чиқилиши ва жойларга етказилиши лозим.

9. Умумий ўрта таълим муассасаларининг болалар етакчиларини қайта тайёрлаш ва малакаларини ошириш йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ.

10-йўналиш: **Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларини касбга йўналтириш бўйича**

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларини касбга йўналтириш бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой тумани халқ таълими бўлимининг иш тажрибаси маъқуллансин ва Республика бўйича оммалаштиришга тавсия этилсин.

2. Республикада ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишлари вазирликнинг 2001 йил 10 октябрдаги 147-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш тўғрисида Низом"га мувофиқ амалга оширилиши йўлга қўйилиши зарур.

3. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан тайёрланган "Касблар психограммаси" ва улардан фойдаланиш юзасидан тавсиянома "Мактаб ва ҳаёт" журналида эълон қилиниши мақсадга мувофиқ.

4. Туман(шаҳар) Ташҳис марказларининг ҳамда мактаб психологлари ва касбга йўналтирувчи ходимлари учун методик қўлланма яратилиши ва жойларга етказилиши лозим.

5. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш хонаси вазирликнинг 2001 йил 10 октябрдаги 147-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш хонаси тўғрисида Низом"га мувофиқ фаолият кўрсатишини йўлга қўйиш зарур.

6. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда ота-оналар, маҳалла қўмиталари, туман(шаҳар) ҳокимиятининг вояга етмаганлар комиссияси билан ҳамкорликда иш олиб бориш йўлга қўйилиши лозим.

7. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда жойлардаги академик лицей, касб-ҳунар коллежлари билан шартномалар тузилиши ва касб-ҳунарга йўналтириш ишларида мазкур таълим муассасаларининг фаолият йўналишлари инобатга олиниши мақсадга мувофиқ.

8. ДТС асосида "Меҳнат таълими" ўқув фанидан 8-9-синфлар учун ўқув дастурини қайта кўриб чиқилиши, унда асосий эътибор касбга йўналтиришга қаратилиши лозим.

9. "Меҳнат таълими" ўқув фанидан қайта ишланган ўқув дастури асосида 8-9-синфлар учун Методик қўлланма, дарс ўтиш жиҳозлари (плакат ва бошқа кўргазмали қуроллар) тайёрланиши ва жойларга етказилиши мақсадга мувофиқ.

11-йўналиш: **Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича**

1. Туман(шаҳар) миқёсида ўқитувчилар малакасини ошириш юзасидан Тошкент шаҳар Ҳамза тумани халқ таълими бўлимининг иш тажрибаси маъқуллансин ва Республика бўйича оммалаштиришга тавсия этилсин.

2. Ўқитувчиларнинг мустақил таълим олиш йўллари бўйича методик тавсиялар тайёрланиши ва жойларга етказиб берилиши, методик тавсияларда ўқишнинг инновацион ва самарали усуллари кўрсатиб берилиши лозим.

3. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларида намунавий жиҳозланган фан хоналарининг ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

4. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари кутубхоналарини мактаб ўқув дастурлари, дарсликлар, методик қўлланмалар, кўргазмали воситалар билан етарли миқдорда таъминланиши лозим.

5. Педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари курслари машғулотларида замонавий педагогик технологияларни қўллаш, амалий машғулотларни кўпайтириш, тингловчиларнинг фаоллигини оширишга эътибор кучайтирилиши зарур.

6. Ўқитувчиларнинг касбий маҳоратларини оширишга доир методик адабиётлар, шунингдек, педагогика-психология йўналишидаги адабиётлар яратилиши ва жойларга етказилиши мақсадга мувофиқ.

7. Туман(шаҳар) миқёсида ўқитувчилар малакасини мунтазам ошириб боришда фан Методика уюшмалари ва таянч мактаби фаолиятидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

8. Туман(шаҳар) миқёсида ижодкор ўқитувчилар уюшмасини ташкил этиш, ҳудуддаги мактабларда таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, ўқитувчилар малакасини оширишда улар фаолиятидан фойдаланиш лозим.

Касбини севган киши унга бутун қалб қўрини бағишлай олади. Ўз моддий манфаати учун эмас, устоз номини пок сақлаш учун курашади.

Никоҳ эр-хотиннинг ҳаётида шериклик қилишларининг ахди паймон бериши бўлиб, уни шодлик ва хурсандчилик билан ўтказиш лозим.

МАРОСИМ-МАҲРАКА ~ МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Ta'kid

Ҳозирги даврда шаклланаётган миллий истиқлол мафкураси юртимизда яшаётган барча кишиларнинг маънавий бойлигига, дунёқарашининг негизига айланишига эришиш биз учун энг асосий вазифа бўлиб турибди. Шу боисдан халқимизнинг ўтмишдаги маънавий-маърифий меросини синчиклаб, холисона ўрганиш ва кундалик ҳаётда улардан оқилона фойдаланиш соғлом ғоя ва мафкурани яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

ХХ асрнинг бошларида Туркистондаги энг муҳим ижтимоий, сиёсий ва тарихий ҳодиса — жадидчилик ҳаракати давлат, тузум, бошқарувни ислоҳ этиш ва миллатни ривожлантириш орқали, умуман жамиятни янги тараққиёт босқичига олиб чиқишни мақсад қилиб қўйган ғоялар ва аниқ амалий тадбирларни ўзида мужассамлаштирган тизим ҳисобланади.

Бу тизим жаҳон цивилизациясида ниҳоятда катта ўрин олган Туркистондек бир ўлкада, кўп асрлар давом этиб келган ҳаётнинг шарқона тизими сақланиб қолган ҳолда, уни Ғарб тараққиёти натижалари билан бойитишни кўзлаганини ҳамда ХХ асрнинг бошида янгича яшамоқни шакллантириш усулларини излаганини, истибдод шароитида ўз тақдирини белгилаш йўлида курашга интилганини кўрсатувчи мураккаб жараёнларни ўзида мужассам этди.

Миллатимиз ичидан етишиб чиққан тараққийпарвар зиёлилар — жадидлар, халқнинг маънавий-маърифий савиясини юксалтириш учун турли хурофат ва зарарли бидъатларга қарши курашишни мақсад қилиб қўйган эдилар ҳамда улар ўз асарлари орқали серҳашам ва дабдабали тўй-маъракаларни ўтказишни кескин қораладилар.

Маърифатпарвар жадидлар — Абдулла Авлоний, Ашурали Зоҳирий, Абдулҳамид Чўлпон, Исҳоқхон Ибрат ва бошқаларнинг "Садойи Туркистон", "Садойи Фарғона" каби турли нашрларда бу мавзуга доир мақолалари босилиб чиқди. Улар халқнинг маиший турмушига алоҳида эътибор беришиб, хусусан миллий тўйлар ва уларнинг ўтказилишига доир қимматли фикрлар билдирдилар.

Масалан, "Садойи Фарғона" газетасида Абдулҳамид Чўлпон (1883-1937) ва Исҳоқхон Ибратнинг (1862-1937) шу мавзуга доир мақолалари ҳамда "Нажот" рўзномасида жадидлар "Шўройи Исломия" ташкилотининг тўй-маъракаларни тартибга солиш қарорномаси эълон қилинган эди. Улкан адиб Абдулҳамид Чўлпон "Садойи Фарғона" газетасидаги мақолаларнинг бирида тўйларда исрофгарчиликлар тўғрисида шундай фикрни билдирган: "Аввалари қандоқ яхши бўлса, сўнгги кунларда ва сўнгги йилларда кўндан-кун орқага қараб қадам ташламоқдадур... Ул вақтларда бундоқ беҳуда исрофлик тўйлар ҳам бўлмас эди...". Муаллифнинг фикрича, бурун деҳқонлар ёз давомида ишлаб топган маблағларини қиш давомида еб-ичар эди, бугунги иқтисодий ночорликларга исрофгар тўйлар ҳам қўшилди.

Фарғона жадидларининг таниқли намоёндаси Исҳоқхон Ибрат тўйлардаги исрофгарчиликлар, ортиқча харажатлар, ёшларнинг илм олишидан кўра турли ишқибозликларга мойил эканлиги ҳақида ўзининг теран мулоҳазаларини билдиради: "Ҳали ҳам биз ўз динимизга ҳаракат қилмай, ақча топмоқ, ҳоюҳавас овлоқ тўйларга ўн минг беҳуда сарф қиламиз, қайси уломо буларга фатво берган ҳалол деб... Бу аҳволи баъдлар, бу мараз дарду доруси илмдир... Илмсиз киши, асоссиз девор дегани. Асоссиз девор ғоятда беэътибор бўлур. Илм ўқунг, ўқитинг, ахлоқи фунун, замонага даркорлик илмлар эрур". Ибрат бу фикрлари билан замона ёшларини дунёвий билимларни ўрганишга чақиради.

"Нажот" рўзномасида эълон қилинган жадидлар "Шўройи исломия" ташкилотининг тўй-маъракаларни тартибга солиш тўғрисида чиқарган қарорномасида шундай сатрлар битилган: "Туркистон мусулмонларининг съезди мана шу ҳолни эътиборга олуб орамизда бўлуб турган баъзи бидъат ва хурофатларни, чунончи, тўй, маърака, гап, базм... ва жаноза куни бўладурғон" хурофатни биккуллия (ҳаммасига) барҳам беришга қарор қилди". Шунингдек, мазкур қарорномада жанозга, қиз, суннат тўйларини ўтказиш тартиблари батафсил кўрсатиб берилган. (Қаранг: Т.Қозоқов, Қ.Воҳидова. Асримиз бошидаги маросимлар., "Фан ва турмуш", 2000 йил, 3-сон, 26-27-бетлар).

Ушбу қарорнома ҳозирги даврда ҳам ўз долзарблигини умуман йўқотмаган. Чунки, ХХI асрнинг бошларида ҳам мамлакатимизда ўтказилаётган тўй-маъракаларда исрофгарчиликка, дабдабабозликка, ортиқча харажатларга йўл қўйиш, бу маъракаларга обрў ва эътибор топишнинг бир воситаси сифатида муносабатда бўлишдек зарарли иллат ҳамон жамиятимиз тараққиётига ғов бўлиб турибди.

Туркистон жадидлари йўлбошчиси Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг (1875-1919) "Аъмолимиз ёйинки муродимиз" ("Ойина", 1913 йил, 6-7 сонлар), "Ҳифзи сиҳати оила" ("Оила соғлиғининг ҳимояси") (""Ойина), 1914 йил, 14-сон ва "Бизни кемирувчи иллатлар" ("Ойина", 1915 йил, 13-сон) каби мақолалари босилиб чиқди.

Тараққийпарвар жадидлар Туркистоннинг турғунлик, қолоқлик ва жаҳолат гирдобидан қутилишига нималар ҳалақит бериши ва тараққиёт сари қолоқликни бартараф этишга халақит бераётган омиллар сабабларини олдиндан кўра олганлар. Гўёки шариат билан ҳимоялангандай туюлувчи, бироқ аслида мусулмон қонун-қоидаларига зид ҳолда кишиларнинг енгил бўлмаган ҳаётини янада мушкуллаштирувчи зарарли урф-одатлар халқни тараққиётдан орқага тортмоқда.

Миллатпарвар зиёлилар ўлкамизнинг жуда аянчли аҳволи, аҳолининг эрк ва ҳуриятга интилишларини бўғиш сабабларини, иқтисодий ва маънавий ҳаётдаги турғунлик ҳолатларини англаб, уларнинг онгида жамиятни тубдан ислоҳ қилиш ғояси пайдо бўлди.

Улар аждодларимиздан ноёб мерос бўлиб қолган билим, тажриба ва маданий қадриятларни тиклашни кенг тарғиб қилдилар. Энг аввало, маданий-маиший ва маънавий ҳаётга тааллуқли туб ислоҳотлар ўтказиш лозим эди. Уларнинг фикрича, оила асосини тўғри қурмасдан ва ёш авлодни тўлақонли тўғри йўлда тарбияламасдан туриб жамиятни ислоҳ қилиш, унинг ривожини тараққиёт сари йўналтириш мумкин эмас. Чунки охир-оқибатда миллат тақдири унинг оиласининг ҳолатига узвий боғлиқдир.

Шу ўринда Бухоро жадидларининг ёркин намоёндаси Абдурауф Фитрат "Оила ёки оила бошқариш тартиблари" асарида қайд этишича, никоҳ эр-хотиннинг ҳаётида шериклик қилишларининг ахди паймон бериши бўлиб, уни шодлик ва хурсандчилик билан ўтказиш лозим. Агар тўй муносабати билан бир қатор диндош ва ватандош ёр-биродарлар бир жойда йиғилиб хурсандчилик қилиб, самимий суҳбат қилсалар, албатта, бир миллат аъзолари ўртасида бўлган муҳаббат ва меҳрибонлик зиёда бўлади. Баъзилар орасида олдинги кек ва кудурат шу баҳонада йўқолади. Бунинг устига қанча мискин ва муҳтож одамлар шу маврид билан тўй неъматларидан баҳраманд бўладилар. Шунинг учун ҳам тўй оилавий маросимдир.

Асрлар мобайнида шаклланган, авлоддан-авлодга бебаҳо ва ноёб мерос сифатида сайқалланиб келаётган урф-одатлар ва маросимлар миллий истиқлол мафкураси ғояларини халқимиз қалби, онгига сингдиришда муҳим воситадир. Бугунги кунда энг сара урф-одат ва анъаналаримизнинг жамиятни бирлаштирувчи хусусиятларидан янада самаралироқ фойдаланиш лозим. "Миллий анъаналарни ўрганиш, тарғиб этиш билан бир қаторда тўй-маъракаларни, одат ва удумларни ихчамлаштириш, бу борадаги исрофгарчилик ва дабдабабозликка йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратиш даркор" (Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., 2000, 66-бет).

Хуллас, тўй-маракаларни замонага мослаштириш, камчиқимли, лекин файзли ва тароватли қилиб ўтказиш ҳозирги даврнинг асосий талабидир. Зеро, алломалар уқтирганларидек, ўтмиш тарихидан бехабар халқ—мазлум халқ, тарихини ўрганган ва билган халқ буюк ва қудратли халқдир. Ўзбек халқи маънавиятининг муштарак бўғини — маърифатпарвар жадидларнинг эзгуликка йўғрилган теран ғояларини синчиклаб ўрганиш, кундалик ҳаётда кенг қўламда қўллаш ва келажак авлодга авайлаб-асраб етказиш мустақиллик даврининг талабидир.

Даврон ХОЛИҚОВ,
педагогика фанлари номзоди

«Ma'rifat»ga maktublar

"БОШ ЭГАМАН СИЗГА, УСТОЗЛАР"

Баҳор фасли эди. Мен 5-синфни тугатиш арафасида эдим. Ҳар галгидек имтиҳон топшириш кунлари ҳам етиб келди. Мактабдан мен ҳам синфдошларим қатори математикадан берилган саволларни олиб, уйда уларни ечишга тушиб кетдим. Анча ҳаракат қилиб, саволларнинг фақат ярмигагина жавоб топибман.

Шунда ёдимга бундан тўрт йил илгари акамни ҳам математикадан ўқитган устозлари ёдимга тушиб қолди. Борсам, улар менга ҳам ёрдам берармикинлар, деган ҳадик ва умид билан мактабга йўл олдим. Йўлда мен Моҳира опадан қандай қилиб ёрдам сўрасам экана, деб борар эдим. Ўйлаб-ўйлаб, мактаб ҳовлисига кеда? Балки аввало ана шу ҳақда гаплашишимиз керакдир, — дедилар ёниб.

Мен буни эшитиб нимагаларнинг ҳаммаларини сўрашга тушдилар:

— Ойинг яхшиларми, жуда яхши аёллар-да. Кишининг гаплашган сари яна гаплашгиси келаверади, — дедилар.

— Дадангга салом айт, аканг ўқишга кирибди. Эшитиб жуда қувониб кетдим. Ахир у менинг энг тиришқоқ ўқувчиларимдан бири эдида,— дедилар.

Кейин менга қараб:

— Сен бирор бир масала билан келганга ўхшайсан. Агар ёрдамим керак бўлса, тортинмай айтавер, — дедилар.

Мен имтиҳон саволларни олиб, уларнинг ичидаги "Фалес теоремаси"нинг ечимини топа олмаётганимни айтдим. Шунда улар мени ўз хоналарига олиб бориб, ҳаммаларнинг ҳаммаларини ўз хонаси

ЎҚИТУВЧИМ—ФАХРИМ

либ қолганимни ҳам билмай қолибман. Тўғри ўқитувчилар хонасига бордим. Эшик очиқ. Ўқитувчилар эса нималарнидир қизғин муҳокама қилар эдилар. Мен эшик орқасидан кузатиб турдим. Бирдан Моҳира опа ўрнидан туриб:

— Йўқ. Биз ҳеч қачон "Бир синфга 2-3 аълочи етади", деган фикр билан яшашимиз мумкин эмас. Иқтидорсиз бола йўқ бизда. Ҳамма гап ҳар бир боладаги иқтидорни кўра, топа билишда. Аълочиларни 5-10-15 тага етказишга нима халақит бераяпти биздир ғурурландим, фахрландим.

Муҳокама тугади. Ўқитувчилар ўз хоналарига кириб кетишди.

Лекин негадир Моҳира опа ўша хонада қолдилар. Мен хонага кириб улар билан сўрашдим. Улар менга "Кел, қизим", деб ёнларига чақирдилар. Менга ўткир назар солдилар-да:

— Сен Матлабнинг синглиси эмасмисан? — деб сўрадилар. Мен "Ҳа", деб жавоб бердим. У киши оила аъзоларимизни яхши билар эканлар (Қандай яхши!!!), уларсини пухта тушунтирдилар.

Моҳира Рустамова Самарқанд шаҳри Темирйўл туманига қарашли 64-ўрта мактабда 18 йилдан бери математикадан дарс берадилар. Бу муниса аёл минглаб йигит-қизларга ўз билимларини улашиб келадилар. Уларни теран фикрлашга, лоқайд бўлмасликка даъват қиладилар. Ким ёрдам сўраб келса, ноумид кетмайди. Мен ана шундай устоз-муаллим қўлларида таҳсил олганимдан фахрланаман.

Марҳабо МУҲАММАДИЙ

МУАЛЛИМЛИК — ИНОЯТ

Соат миллари аста-секин айланади. Дақиқалар ортидан бир-бирини қувлашиб кунлар, ойлар, йиллар ўтаверади. Ўтаётган бу йиллар инсон умрининг ўлчови. Уни ортга қайтаришнинг сира иложи йўқ. Шу боис ҳам инсон ўз умрининг ҳар бир лаҳзасини шундай яшаб ўтиши керакки, токи вақт ўтгач, армон бўлиб қолмасин.

Кечагина сочлари жамалак қизча эдим. Устозларимга ҳавас билан термулар, уларга ўхшашни орзу қилардим. Мен учун дунёда устозлардан ҳам меҳрибон, билимдон инсон йўқ эди.

Мана, орзуим амалга ошиб, ўқитувчи бўлганимга ҳам йигирма беш йил бўлибди. Шу ўтган йиллар давомида ўзимдан бир неча бор, худди устозларим каби мурғак кўнгилларда умид чироғини ёқа олдимми, дея сўрадим. Ҳар сафар бу саволимга ўқувчиларимнинг ёниб турган нигоҳларидан жавоб топишга ўриндим.

Мустақил ҳаётга қадам қўйган ўқувчиларимнинг қоқилмай ўз йўлларини топиб олганликлари ҳамиша мени қувонтиради. Уларнинг нигоҳларидаги миннатдорчилик туйғулари касбимга бўлган меҳримни янада оширади.

Сирасини айтганда, мактаб — муқаддас даргоҳ. Унга қадам қўйган ҳар бир ўқитувчи ўз касбига муносиб бўлиши лозим. Мактаб партасида ўтирган ўқувчи эса бамисоли бир ниҳол. Ниҳол илдизлари ерга маҳкам ўрнашган дарахт бўлиши учун уни деҳқон меҳр билан парвариш қилади. Ўқувчиларимиз ўз Ватанига, халқига садоқатли, фидойи бўлиб етишишлари учун биз ўқитувчилар ҳам уларга билим билан бирга меҳр ҳам бера олишимиз даркор. Айнан шу болаларга бўлган меҳр, касбга садоқат ўқитувчини мактабга боғлаб турғувчи риштa ҳисобланади.

Мен ҳамиша ўз касбим билан фахрланаман. Йиллар давомида ўқитувчилик ғурурини ҳамма нарсадан устун қўйишга, касбим шаънига гард юқтирмасликка ҳаракат қилдим.

Касбини севган киши унга бутун қалб қўрини бағишлай олади. Ўз моддий манфаати учун эмас, устоз номини пок сақлаш учун курашади. Чунки ҳар қандай тирикчилик ташвишлари ўқитувчи қалбидан таралгувчи нур — зиёни ҳиралаштириб қўяди. Ўқитувчилик касбини фақат тирикчилик манбаига айлантириб олиш ўқувчилар кўзи олдида устози обрўсини тушириб юборади.

Ўқитувчида педагогик маҳоратнинг етишмаслиги, унинг ноҳақлиги баъзан бола қалбини бир умрга жароҳатлаши мумкин. Шу сабабли маънавияти пок, самимий инсонгина бу касб эгаси бўлишга муносиб. Бу соҳада кўп йиллик тажрибам борлиги боис, бугун мактабни эндигина тугатиб, ўқитувчи бўлишни ният қилган болажонларимга икки оғиз сўз айтиш умидида қўлимга қалам олдим.

Ўқитувчилик шарафли касб. Аммо бу касбнинг ўзига хос машаққатлари ҳам бор. Ўқувчиларнинг меҳр-муҳаббатини қозониш осон иш эмас. Бунинг учун билим билан бирга сабр-тоқат, фидойилик ҳам талаб этилади. Касбига садоқатли инсонгина бу қийинчиликларни енгиб ўтишга қодир бўлади.

Ўқитувчи бўлишни ният қилдингизми, ўқувчиларингиз кўнглига йўл топишга ҳаракат қилинг. Ҳамиша уларнинг диққат-эътиборида эканлигингизни унутманг. Сизнинг меҳнатингизга тўғри баҳо берувчи энг одил ҳакам — ўз ўқувчиларингиз бўлади.

Болажонларим, сизларни бирон-бир касб танлаш йўлидаги қатъий қарорингиз билан чин дилдан қутлайман. Илоҳим, келгуси ҳаёт йўлингиз орзуларингиз каби беғубор, нурли бўлсин.

Ўқитувчи учун ўз меҳнати самарасини ҳар дақиқада ҳис этиш, ўқувчиларининг кўзларида порлаб турган муҳаббатни кўришдан ортиқроқ бахт йўқ, менга ишонаверинг.

Гулчеҳра ҲАСАНОВА,
Шайхонтоҳур туманидаги
186-мактаб ўқитувчиси

Таҳририятимиз ҳар куни ўз газеткхонлари — ўқитувчилардан ўнлаб мактублар олади. Мактублар мавзуси ранг-баранг бўлиб, уларда мактаб муаммолари, фахрий устозлар, ўзларини қизиқтирган масалалар тилга олинади. Мактуб йўллаган газетхонлар, албатта, ўз мактубларига эътибор беришимизни, газета саҳифаларида эълон қилишимизни илтимос қиладилар. Табиийки, барча мактуб, шу жумладан, мақолаларнинг ҳаммасини эълон қилиш имконияти йўқ. Лекин ҳеч бир мактуб беэътибор қолмайди. Ҳар бири ўқиб, ўрганилади. Қувонарлиси, 2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилингач, шу мавзу бўйича кўплаб мактублар кела бошлади.

Сурхондарё вилояти Узун туманидаги 18-мактабнинг тожик тили ва адабиёти ўқитувчилари А.Сафаров, Г.Исматовалар **мактубларини "Президентимиздан миннатдормиз" деб номлабдилар. Негаки, улар Президентга йўллаган мактублари беэътибор қолмай, Тошкентдаги Семашко номли Тошминералсув шифохонасида бепул даволаниб келганларидан мамнун эканликларини баён этганлар.**

Биз ҳам ўқитувчининг мактуби инобатга олинганидан хурсанд бўлдик. Зеро, "Яхши дам — меҳнатга ҳамдам" деб бежиз айтилмаган.

Андижон вилоятидан Дадажон Аҳмадалиев **юборган шошилинчнома (телеграмма)да ёзилишича, Булоқбоши тумани халқ таълими бўлими қариялар, фахрийларни қадрлаб, "Ширмонбулоқ" дам олиш оромгоҳида тадбир ўтказган. Унда туман ҳокими ўринбосари А.Тожиматов, вилоят ХТБ вакили С.Убайдуллаев, туман ХТБ мудири Ш.Казаковлар фахрийларни қутлаб, уларга эсдалик совғалари топширганлар. Бундай ибратли тадбирлар фахрий устозлар кўнглини тоғдек кўтаради.**

Сариосиё тумани Шарғун шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчилари **бизга 6 та мактуб йўллаганлар. Уларнинг саводхонлиги, ҳуснихати, жумлаларининг пишиқлиги, тиниш белгиларининг ўз ўрнида ишлатилиши бу даргоҳда малакали устозлар кўплигидан дарак бериб турибди. Мактаб-интернат ўқувчилари** Хуршида Раҳмонбердиева, Гулшан Жўраева, Хуршида Ҳайитбоева **мактабни бир гулзорга, гулзордаги ғунчаларни шогирдларга қиёслаб ёзадилар:**

— Бизнинг гулзоримиздан чирой очиб кетган гуллар сўлмаслигига ишонамиз. Пок юракли синф раҳбаримиз Жамила опа Убайдуллаева бизнинг китобхон, шоира, бастакору созанда, сўз усталари бўлиб етишишимизда жон куйдирмоқдалар. Синфдошларимиздан Шомақсуд Шомуродов мусиқа мактабида ҳам таҳсил олмоқда, Ситора, Зоҳид эса ажойиб шеърлар битмоқда. Марҳабо эса 100 дан ортиқ бадиий китоб ўқиган. Ёш устозларимиздан З.Меликбоев, Ж.Ниёзовалар таълим бўйича халқаро АКСЕЛС томонидан ўтказилган "Ўқитишда аълочилик" мукофотининг 2-тур босқичида ғолибликни қўлга киритиб, икки ой АҚШда малака ошириб қайтдилар.

Ўқувчиларнинг синфдошлари ва устозлари ҳақидаги самимий фикрлари, улар ютуғидан қувонишлари дилга ҳузур бағишлайди.

Қашқадарё вилояти Баҳористон тумани ҳокимлиги маънавият ва маърифат кенгашининг масъул котиби Соҳиб Ражабов **фахрий устоз, Халқ таълими аълочиси Тўра ака Авазов ҳақида шундай ёзади:**

— Инсон умрининг мазмуни унинг ҳаёт уммони қўйнида машаққатларни сабр-бардош билан енгиб, нурли келажакнинг мустаҳкам қўрғонини барпо этгани билан қадрланади. Тўра ака Қарши Давлат педагогика институтини тамомлаб, Р.Холлиев номли мактабда кўп йиллар ўқитувчилик қилди. Ўқувчилари вилоят ва республика олимпиадаларида тарих ҳамда ҳуқуқ фанидан фахрий ўринларни эгаллади. Шогирдлари профессор О.Жўрақулов, доцент Б.Эшмуродовлар устоз ишини давом эттирмоқдалар. Ўғиллари Атаулла, Тошболта, Спартак Авазовлар ҳам ота касбини танлаганлар. Мактубда ёзилишича, Тўра ака кучли полвон бўлиб, 1950 йилда Оренбургда ўтказилган миллий кураш мусобақасида 1-ўринни олган экан. Ҳозир ҳам тиниб-тинчимас фахрий устоз кўрик-танловларда иштирок этиб, "Миллий қадриятлар ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб қилишда фаол қатнашган маҳалла оқсоқоли" номини олибдилар.

Китоб туманидаги Юсуф Хос Ҳожиб номли 5-мактаб 9-"Б" синф ўқувчиси Шоҳида Шарипова **ҳам "Йил ўқитувчиси" кўрик-танлови ғолиби Гулбаҳор Худойқулова ҳақида қуйидагича ёзибди:**

— Тошга ўйилган хат ўчмаганидек, биринчи ўқитувчининг сабоқ ва ўгитлари ҳам ҳеч қачон унутилмайди. Устоз шундай буюк инсонки, ундан бир умр қарздормиз. Гулбаҳор опа 20 йилдан бери бошланғич синфларга дарс бериб келмоқдалар. Устозим рақса тушишни, ашула айтишни қойиллатадилар. Ўстирган гулларини айтмайсизми? Мактабнинг моҳир раққосалари, ширали овоз соҳиблари у киши ўқитган синфдан чиқади.

Шоҳида устозининг ҳаётий воқеаларни акс эттирувчи ҳикояларни ўқиб бериши, ҳозирги кун билан таққослаб, ўқувчи фикрини чархлаб бориши, ҳар бир дарсни янги педтехнология асосида ўтиши кабилар ҳақида ғурур билан ёзиб, устозини Халқ таълими аълочиси нишонини олгани билан қутлабди:

Юрагинг пок, беғубор, тоза,
Меҳринг қуйлар доим шўх созим.
Мусаффо ҳаводан олган андоза,
Бош эгаман сизга, устозим.

Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 11-мактабнинг немис тили ўқитувчиси Ч.Исмоилов, география ўқитувчиси Ш.Турдиевалар **рейтинг тизими ҳақида ёзибдилар.**

— Ўқувчилар билим самарадорлигини аниқлашда тортишув бўлмоқда. Айрим мутахассислар ўқувчиларнинг билим-кўникмалари 100 фоиз бўлсин, акс ҳолда у ўзлаштирмаган ўқувчи ҳисобланади, дейишмоқда. Бундай эмас. Рейтинг тизимида ўзлаштирмовчи ўқувчи Низомнинг бирон-бир бандида кўрсатилмаган. Рейтинг синф журнали янги Низом асосида ишлаб чиқилса, "Маърифат" газетасида бу тизимда ишлаётган жамоалар иш тажрибаси ёритилса, назорат ишларини ўтказиш учун материаллар бериб борилса, яхши бўларди, — деган бир қатор таклифларни ҳам билдирганлар.

— Ҳозир фарзандларимиз таътилга чиққан кезлар, — деб ёзади Юнусобод туманига қарашли қўшимча техник таълим мажмуаси тўгараги раҳбари Раъно Турғун қизи, **— қай бир бозор расталарига қараманг, болаларни учратасиз. Улар газли сув, сақич, папирос сотаётганини кўрамиз. Сабаби — пул топиб, мактабга тайёргарлик қилиш. Китоб-дафтар, форма учун ўзи ишлаб, маблағ йиғиш. Ундан кўра 3 ой давомида ота-оналар фарзандларига ҳунар ўргатишса, кўнгилдагидек иш бўлмайдими? Дурадгорлик, наққошлик, рассомлик, бокс, техника, тикувчилик, тўқувчилик тўгараклари бизда бепул иш олиб борянти. Фарзандларимизни у ерга олиб борайлик.**

Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги Заркент иқтидорли болалар ихтисослашган мактаб-интернати математика фани ўқитувчиси Низомиддин Холқўзиев **бизга йўллаган мақоласида долзарб муаммо ҳақида атрофлича фикр юритибди:**

— Ҳозирги кунда мактаб-интернатимизда вилоятимиздаги барча туманлардан, шаҳарлардан ташқари қўшни Андижон вилоятидан ҳам ўқувчилар келиб ўқимоқдалар. Мактабларга бориб суҳбатлар, тест синовлари, ёзма ишлар ўтказиш натижасида, ўқувчиларни мактаб-интернатга қабул қилиш имтиҳонларида шу нарса маълум бўлдики, ўқувчиларнинг аксарият қисми математик терминлар орфографиясида кўпинча аналогияга асосланиб, қўпол хатога йўл қўйишмоқда. Ўзлаштирма терминлар орфографиясини ўзлаштиришдаги хатоларнинг кўпчилиги терминларни талаффуз қилиш билан ҳарфларни ёзиш мос тушмаслиги натижасида содир бўлади, яъни "Қандай эшитсанг, шундай ёз" деган қоида ҳар вақт ҳам қўл келавермайди. Масалан, пропорсия, инверция, планометрия, параллеллопипед, матиматка, арфметка, диягнал, целиндр, гиёметрия, сектўр **каби хато ёзилган сўзларни учратиш мумкин. Бундан ташқари, ўқувчилар қўшма сўзларнинг ёзилишида ҳам хатоларга йўл қўйишлари аниқланди. Маълумки, бир тушунчани ифодаловчи ва бир бош урғу билан айтиладиган қўшма отлар қўшиб ёзилади. Сон ва сифатдан ясалган сўзлар, таркибли сонлар таркибидаги сўзлар, каср сонлар таркибидаги сўзлар ажратиб ёзилади. Масалан, учбурчакли пирамида, кўп ёқли бурчак, ўн икки, бешдан тўрт ва ҳоказо. Юқоридаги сўзларни ёзишда ҳам ўқувчилар хатоликка йўл қўядилар.**

Низомиддин Холқўзиев математик бўлса-да, юқоридаги камчиликларни бартараф этиш учун ўз хонасида *"Атамалар бурчаги"* **ташкил этиб, ҳафтада янгилаб борар, 5-7 минутга мўлжалланган математик диктантларни 10 кунда бир ўтказиб турар экан. Шунингдек, мактаб-интернатда математик атамалардан бошқотирма ва сўз ўйинлари тузилиб, кўп нусхада кўпайтирилиб, ўқувчиларга тарқатиб турилишини ҳам ёзган. Холқўзиевнинг муаммо қўя билгани, унинг ечимини ҳам топгани, таклифлари бизни суюнтирди.**

Жиззах ВПХҚТМОИ ижтимоий фанлар ва маънавият асослари кафедраси мудири М.Эргашева "Ўзбекистон Конституциясини ёшлар онгига сингдириш усуллари" мавзусида ўтказилган семинар ҳақида ёзади:

— Семинарда Феруза Пардаева, Акмал Абдуллаев томонидан ўтказилган очиқ дарслар ўқувчиларнинг фаол иштирокини таъминлаш, мустақил фикрлаш қўникмаларини шакллантиришга қаратилди. Семинар дастурида институт ходимлари томонидан тайёрланган ҳамда ўқувчиларнинг интерактив таълим олишига кўмак берувчи инновацион услубиятлар мактаб ўқитувчилари учун амалий ёрдам бўлди . Семинар иштирокчилари ҳамкорликда мазкур услубиятлар билан танишдилар. Ўзлари ҳам бевосита иштирокчи сифатида гуруҳларга бўлиниб ишладилар. Муаммоли вазиятларни таҳлил қилиб, хулоса чиқардилар.

Семинарда олинган қўникмалардан ўқитувчилар ижтимоий фанларни ўқитишда самарали фойдаланадилар.

Ўйлаймизки, бундай семинар машғулотлари ҳар бир вилоятларда ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Биз азиз устозлардан шундай мактубларни кўплаб кутиб қоламиз.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
"Ma'rifat" мухбири

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!!!

Тошкент шаҳар ҳокимияти Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси 2002-2003 ўқув йилида Тошкент шаҳрида жойлашган касб-ҳунар коллежларига 9-синфни битирганлар учун йўналишлар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи

ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- ✓ умумқурилиш ишлари
- ✓ дурадгорлик ва паркет ишлари
- ✓ санитария –техник шамоллатиш тизимлари ва жиҳозларини ўрнатиш
- ✓ газ таъминоти тизими жиҳозларини ўрнатиш ва таъмирлаш
- ✓ заргарлик буюмлари ва тақинчоқларни таъмирлаш
- ✓ бадиий ва миллий костюм
- ✓ бадиий ўймакорлик
- ✓ миллий архитектура-декоратив санъат ва нақкошлик
- ✓ бухгалтерия ҳисоби

Тошкент шаҳар Умид кўчаси 46-94-99

2. Тошкент педагогика коллежи

ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- ✓ мактабгача таълим
- ✓ мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар

Тошкент 700096, Муқимий кўчаси, 178-уй, 78-55-64

3. Тошкент транспорт касб-ҳунар коллежи

ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- ✓ метрополитеннинг электр ҳаракатланувчи составини ишлатиш ва таъмирлаш
- ✓ метро бекати ва бекат хўжаликларига хизмат кўрсатиш ва фойдаланиш
- ✓ пайвандлаш
- ✓ ЭҲМ ва компьютер тармоқларини ўрнатиш ва ишлатиш
- ✓ автомобиль транспортини ишлатиш ва таъмирлаш
- ✓ бухгалтерия ҳисоби

Тошкент 700156, Чилонзор, 20-мавзе, 35а-уй, 116-13-52

4. Хамза қурилиш касб-ҳунар коллежи

ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- ✓ қурилиш ва пардозлаш ишлари
- ✓ дурадгорлик ва паркет ишлари
- ✓ Газ таъминоти тизими жиҳозларини ўрнатиш ва таъмирлаш
- ✓ Сув таъминоти ва канализация тизимларини ўрнатиш ва таъмирлаш
- ✓ бухгалтерия ҳисоби
- ✓ тикувчилик ишлаб чиқариш
- ✓ автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш

Тошкент 700204, Слоним кўчаси, 113-уй, 94-42-32,94-08-94

5. Тошкент политехника касб-ҳунар коллежи

ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- ✓ тикувчилик ва трикотаж жиҳозларини таъмирлаш ва ишлатиш
- ✓ тикувчилик ишлаб чиқариш
- ✓ трикотаж ишлаб чиқариш
- ✓ пойафзал ишлаб чиқариш
- ✓ халқ истеъмол буюмларини моделлаштириш ва лойиҳалаштириш
- ✓ молия
- ✓ бухгалтерия ҳисоби
- ✓ автотранспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш

Тошкент, 700060, Мовароуннаҳр кўчаси,26, 55-12-29, 55-71-76

6. Яккасарой енгил саноат касб-ҳунар коллежи

ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- ✓ тикувчилик ишлаб чиқариш
- ✓ халқ истеъмоли буюмларини моделлаштириш ва лойиҳалаштириш
- ✓ тикувчилик ва трикотаж корхоналари жиҳозларини таъмирлаш
- ✓ молия

Тошкент, 70010, Аския кўчаси, 27-уй, 55-42-59, 55-57-19

7. Тошкент радиотехника касб-ҳунар коллежи

ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- ✓ радиотехника ва телеаппаратураларни таъмирлаш ва ишлатиш
- ✓ радиоэлектрон аппаратлар ва жиҳозлар монтажчиси
- ✓ бухгалтерия ҳисоби
- ✓ молия
- ✓ компьютер ва офис жиҳозларини таъмирлаш ва ишлатиш

Тошкент, 700194, Муродов кўчаси, 9-уй, 22-87-90, 23-10-71

8. Тошкент агротижорат касб-ҳунар коллежи

ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- ✓ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини назорат қилиш ва стандартлаштириш
- ✓ ўсимликшунослик бўйича фермер хўжалигини ташкил қилиш ва юритиш
- ✓ молия
- ✓ бухгалтерия ҳисоби
- ✓ ер тузиш
- ✓ ҳуқуқий хўжалик фаолияти
- ✓ қ/х машиналари ва жиҳозларидан фойдаланиш ва таъмирлаш
- ✓ ўсимликларни ҳимоя қилиш
- ✓ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш

Тошкент, 700106, А.Икромов тум., Ўрикзор даҳаси, 47-51-56, 47-47-58

9. Тошкент қурилиш-коммунал касб-ҳунар коллежи

ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- ✓ қурилиш пардоз ишлари
- ✓ сув таъминоти ва канализация тизимлари ўрнатиш ва таъмирлаш
- ✓ газ таъминоти тизими жиҳозларини ўрнатиш ва таъмирлаш
- ✓ турар-жой ва жамоат биноларидан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш
- ✓ интерьерлар ва жиҳозлар архитектураси
- ✓ менежмент
- ✓ молия
- ✓ бухгалтерия ҳисоби

Тошкент, А.Икромов тумани, Маннон Уйғур кўчаси, 485-уй, 47-75-71,47-79-32

10. М.Улуғбек технология касб-ҳунар коллежи

ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- ✓ элеваторда ун тортиш, қурпа ва омухта ем ишлаб чиқариш
- ✓ виночилик технологияси
- ✓ Озиқ-овқат ишлаб чиқариш бўйича ускуналарни таъмирлаш ва ишлатиш
- ✓ қандолат, нон, булка ва макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш
- ✓ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини консервалаш технологияси
- ✓ маркетинг
- ✓ бухгалтерия ҳисоби

Тошкент, 700187, Қорасув-1, 1-6-уй, 65-98-51

11. Сирғали политехника касб-ҳунар коллежи

ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- ✓ тикувчилик ишлаб чиқариш
- ✓ бухгалтерия ҳисоби
- ✓ дурадгорлик ва паркет ишлари
- ✓ ЭҲМ ва компьютер тармоқларини ўрнатиш ва ишлатиш
- ✓ автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш
- ✓ давлат автоинспекцияси ҳуқуқий ва маъмурий фаолияти

Тошкент 700012, Прикарпатская кўчаси, 44, 58-46-22,58-46-35

12. М.Улуғбек машинасозлик касб-ҳунар коллежи

ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- ✓ маркетинг
- ✓ механика йиғиш ишлари
- ✓ автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш
- ✓ қандолат, нон-булка ва макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш
- ✓ пайвандлаш
- ✓ бухгалтерия ҳисоби
- ✓ молия

Тошкент 700050, Гёте кўчаси, 54-уй, 65-06-55

13. Тошкент юридик коллежи

ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- ✓ ҳуқуқшунослик
- ✓ ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти
- ✓ хўжалик ҳуқуқий фаолияти
- ✓ архив иши ва иш юритиш
- ✓ давлат автоинпекцияси ҳуқуқий ва маъмурий фаолияти

Тошкент, А.Икромов тумани, 12-мавзе, 67-а-уй, 75-77-01, 75-35-76

14. М.Улуғбек информатика касб-ҳунар коллежи

ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- ✓ ЭҲМ ва компьютер тармоқларини ўрнатиш ва ишлатиш
- ✓ компьютер ва офис жиҳозларини таъмирлаш ва ишлатиш
- ✓ компьютер графикаси
- ✓ бухгалтерия ҳисоби
- ✓ назорат ўлчаш асбоблари ва автоматика
- ✓ саноат корхоналари, электр жиҳозлари ва ускуналари
- ✓ совутиш компрессорли машиналар ва ускуналари

Тошкент, Тепамасжид,4, 162-84-41, 162-63-32,162-56-27

15. Миробод саноат касб-ҳунар коллежи

ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- ✓ тикувчилик ишлаб чиқариш
- ✓ умумқурилиш ишлари
- ✓ бошланғич синфларда жисмоний тарбия
- ✓ ЭҲМ ва компьютер тармокларини ўрнатиш ва ишлатиш
- ✓ автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш
- ✓ бухгалтерия ҳисоби
- ✓ давлат автоинспекцияси ҳуқуқий ва маъмурий фаолияти

Тошкент, 700167, Сарикул кўчаси,1-уй, 191-05-22, 93-01-14

16. М.Улуғбек саноат касб-ҳунар коллежи

ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- ✓ металларга ишлов бериш
- ✓ пайвандлаш
- ✓ тикувчилик ишлаб чиқариш
- ✓ Автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш
- ✓ Электрон ҳисоблаш машиналари ва компьютер тармоқларини ўрнатиш ва ишлатиш
- ✓ Бухгалтерия ҳисоби

Тошкент, массив ТТЗ-1, 47-уй, 64-19-49,64-68-00

17. Тошкент радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежи

ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- ✓ радиотехника ва телеаппатураларни таъмирлаш ва ишлатиш
- ✓ бухгалтерия ҳисоби
- ✓ радиоэлектрон аппаратураларни ўрнатиш ва хизмат кўрсатиш
- ✓ электрон ҳисоблаш машиналари ва компьютер тармоқларини ўрганиш ва ишлатиш
- ✓ учишни ердаги радиотехник таъмирлаш воситаларидан техник фойдаланиш
- ✓ компьютер ва офис жиҳозларини таъмирлаш ва ишлатиш
- ✓ электрон техника маҳсулотларини йиғиш

Тошкент 700117, Каттакани кўчаси,52, 116-76-16

18. Тошкент авиасозлик касб-ҳунар коллежи

ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- ✓ металларга ишлов бериш
- ✓ механика йиғиш ишлари
- ✓ назорат ўлчов асбоблари ва автоматика
- ✓ саноат машиналарини ва ускуналарни таъмирлаш ва фойдаланиш
- ✓ авиация техникасини йиғиш
- ✓ тикувчилик ишлаб чиқариш
- ✓ учиш аппаратлари ва авиадвигателларини таъмирлаш
- ✓ ЭҲМ ва компьютер тармоқларини ўрнатиш ва ишлатиш
- ✓ бухгалтерия ҳисоби

Тошкент, 700207, Паркент кўчаси, 331-уй, 96-58-20

19. Тошкент туризм касб-ҳунар коллежи

ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- ✓ туризм, меҳмонхона хўжалиги, ресторан иши
- ✓ туризм
- ✓ меҳмонхона хўжалиги
- ✓ ресторан иши
- ✓ умумий овқатланиш
- ✓ бухгалтерия ҳисоби

Тошкент,Юнусобод тумани, А.Дониш кўчаси, 28-уй, 24-79-52,24-87-29

20. Тошкент молия иқтисодиёт коллежи

ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- ✓ молия
- ✓ бухгалтерия ҳисоби
- ✓ солиқ ва солиққа тортиш
- ✓ банк иши
- ✓ ҳуқуқий хўжалик фаолияти
- ✓ халқаро бизнес

Тошкент, 700012, Сирғали-3, 49-уй, 57-26-98,57-26-55

21. Акмал Икромов миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи

ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- ✓ заргарлик буюмлари ва тақинчоқларини тайёрлаш
- ✓ тикувчилик ишлаб чиқариш
- ✓ бухгалтерия ҳисоби
- ✓ бадиий миллий костюм тикувчиси
- ✓ бадиий ўймакорлик

Тошкент, 700131, Чилонзор 11, Мақсуд Шайхзода кўчаси, 61, 75-94-61

22. Қўйлиқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежи

ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- ✓ умумий овқатланиш
- ✓ ёнилғи мойлаш материаллари
- ✓ тикувчилик ишлаб чиқариш
- ✓ Ташкилий ва молия хўжалик ишлари бўйича мутахассис

Тошкент шаҳри, Ким Пен Хва кўчаси, 90-19-71, 90-00-09

23. Ҳамза темир йўл касб-ҳунар коллежи

ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- ✓ темир йўл транспортидан фойдаланиш
- ✓ темир йўл вагонларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш
- ✓ контакт тармоқлар тортиш подстанциялари электр жиҳозларини ишлатиш ва таъмирлаш
- ✓ металларга ишлов бериш
- ✓ механика йиғиш ишлари
- ✓ саноат машина ва ускуналарини таъмирлаш ва фойдаланиш
- ✓ бухгалтерия ҳисоби
- ✓ умумий овқатланиш
- ✓ автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш

Тошкент, 700204, Слоним кўчаси, 113-уй, 94-42-43

24. Тошкент компьютер касб-ҳунар коллежи

ЙЎНАЛИШЛАРИ:
- ✓ ЭҲМ ва компьютер тармоқларини ўрнатиш ва ишлатиш
- ✓ компьютер ва офис жиҳозларини таъмирлаш ва ишлатиш
- ✓ компьютер графикаси
- ✓ автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш

Тошкент 700073, Оқ дарё кўчаси, 122-уй, 93-46-53

ҲУЖЖАТЛАР ҚУЙИДАГИ ТАРТИБДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

1. Таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги аризалар қабул комиссияси томонидан жорий йилнинг 20 июнидан 1 августига қадар қабул қилинади.

2. Қабул қилинувчилар ижтимоий келиб чиқиши ва мавқеи, жинси, тили, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати ва турар жойидан қатъи назар тенг ҳуқуқлидир.

3. Қабул ҳайъатига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

— таълим муассасаси директори номига ёзилган ариза;

— ўқувчининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасидан кўчирма (гувоҳноманинг асли қабул ҳайъати томонидан ҳужжатлар қабул қилинаётганда шахсан кўрсатилади);

— 086/у шаклидаги тиббий маълумотнома;

— ўқувчининг доимий яшаш жойидан маълумотнома;

— ўқувчининг 3х4 ёки 4х6 ҳажмидаги 6 дона фотосурати;

— 9-синфни битирганлиги ҳақидаги шаҳодатноманинг асл нусхаси;

— касб-ҳунарга йўналтириш ва педагогик-психологик Ташхис марказининг тавсияномаси;

— 9-синфни жорий йилда битирмаганлар учун 10—11-синфларда таҳсил олмаганликлари тўғрисида ўзлари ўқиган мактабдан ва маҳалла қўмитасидан маълумотнома.

Ҳужжатлар ўқишга кирувчи томонидан қабул комиссиясига шахсан тақдим этилади.

Эслатма: Тошкент шаҳар ҳокимияти Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасида қабул бўйича маслаҳат кенгаши фаолият кўрсатмокда. Телефонлар: 136—05—04, 133—79—87.

Бугун эса ҳар икки самолётнинг "қора қути" лари очилиб, уларда тўқнашувгача бўлган ҳолатларга янада ойдинлик киритилади.

Учинчи минг йилликка келиб, инсоният тараққиётнинг энг юқори даражасига кўтарилди, десак муболаға бўлмас. Чунки, ҳамма нарса инсон учун хизмат қилмоқда.

ИСРОИЛ ВА ФАЛАСТИН ВАЗИРЛАРИ УЧРАШИШДИ

Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес Фаластин мухториятининг янги молия вазири Салом Файёд билан учрашиб, иқтисодий масаларни муҳокама этди. Мазкур учрашув кўпдан буён икки томоннинг вазирлар даражасидаги илк учрашуви ҳисобланиб, гарчи бу борада Исроил бош вазири Ариэл Шарон Шимон Пересга рухсат берган эса-да, лекин, тинчлик масаласини муҳокама этмасликни тайинлаган эди. Пересниг матбуот котибининг айтишича, ташқи ишлар вазири эндиликда Фаластин ички ишлар вазири Абулраззоқ ал-Яҳё билан учрашишни режалаштирмоқда.

АФРИКАЛИКЛАРНИНГ ЯНГИ ТАШКИЛОТИ

1963 йил тузилган Африка бирлиги ташкилоти ўз фаолиятини тўхтатди. Энди унинг вазифаларини Европа Иттифоқига ўхшаш Африка Иттифоқи бажаради. Мазкур янги Иттифоқ таркибига 53 та давлат кирган бўлиб, у ўз аъзоларининг ички ишларига аралашиши мумкин, қай маънодаки, ўша давлатда геноцид ва ҳарбий жиноятлар кузатилган тақдирдагина. Гарчи бу Иттифоқ ҳақидаги юя Ливия раҳбари полковник Муаммар Каддафидан чиққан эса-да, унинг биринчи раҳбари этиб Жанубий Африка Республикаси президенти Табо Мбеки сайланди.

ХИТОЙ КОНЛАРИДА НАВБАТДАГИ ПОРТЛАШ

Кеча Хитойнинг Хэган шаҳри яқинида жойлашган конда юз берган портлаш туфайли 39 киши халок бўлган, дея хабар беради "Синхуа" агентлиги. Сўнгги пайтларда Хитой конларида шунга ўхшаш кўп фалокатлар юз бераётган бўлиб, ҳозирга қадар халок бўлганлар сони 3200 кишини ташкил этади. Асосий ҳолларда авариягa ишчиларнинг хавфсизлик қоидаларига амал қилишдаги хатоликлари, шахталардаги ёритувчи қурилмаларнинг талабга жавоб бермаслиги сабаб бўлмоқда.



"ИНТЕРНЕТ" хабарлари асосида Хусниддин ТЎХТАЕВ тайёрлади.

ОСМОНДАГИ ҲАЛОКАТЛАР

Учинчи минг йилликка келиб, инсоният тараққиётнинг энг юқори даражасига кўтарилди, десак муболаға бўлмас. Чунки, ҳамма нарса инсон учун хизмат қилмоқда. Техника юқори чўққиға чиққан бугунги кунда биргина компьютер технологиясининг ўзи кишиларнинг турмуш тарзида жуда қўл келаяпти, уларнинг оғирини-да енгил қиляпти. Аммо, яхшилик билан ёмонлик ёнма-ён юраркан, дунё халқлари қувонч билан ташвишнида бирга баҳам кўришлари муқаррар. Жумладан, ҳозирда жаҳон ҳамжамияти терроризм, гиёҳвандлик, экология муаммолари билан бир қаторда табиий офатлар, фалокатлар ҳақида ҳам жон койитмоқда. Хусусан, сўнгги пайтларда кишиларнинг олисини яқин, оғирини енгил қиладиган ҳаво лайнерлари билан боғлиқ ҳалокатлар ҳам кўпайиб бораяпти. Бугун одамлар тез-тез авиаҳалокат қурбонига айланишмоқда. Жумладан, ўтган ҳафта Германия жанубидаги Боденск кўли устида (12 минг метр баландликда) юз берган самолётлар тўқнашуви сабаб, 71 киши ҳаётдан кўз юмди. "Бошқирдистон ҳаво йўллари" авиакомпаниясига қарашли "Ту-154" аэробуси Уфа шаҳри мактабларида ўқувчи 52-нафар энг аълочи болаларни (олимпиада ғолиблари) Коста-Дорадага (Испания) ёзги таътилни ўтказиш учун олиб кетаётганди. Шунингдек, самолётда уларга ҳамроҳлик қилувчи 5 нафар катта ёшдагилар ҳамда 12 нафар хизматчилардан иборат экипаж гуруҳи бор эди. "Ту-154" га тўқнаш келган "Боинг-757" юк ташувчи лайнерида эса 2 учувчи бўлган. Куни кеча уфалик ўқувчиларнинг жасадлари ватанларига олиб келиниб, бирадарлик қабристонига дафн этилди. Фожеа юз берган Германиянинг Юберлинген ва Овинген шаҳарлари жамоатчилиги эса марҳумлар учун ёдгорлик ўрнатишга қарор қилдилар. Хозирда фалокат сабаблари ўрганилаётган бўлиб тўқнашув вақтида ҳар икки самолёт ҳам Германиянинг қўшниси бўлмиш, Швейцария ҳаво ҳудудида бўлишган ва уларнинг ҳаракатланишлари ҳам айнан Швейцариянинг "Skyguide" диспетчерлари назоратида бўлган. Гарчи, швейцариялик диспетчерлар 50 сония аввал "Ту-154" ни огоҳлантирган эса-да, лекин мутахассислар камида 1,5 дақиқа олдин огоҳлантириш керак эканлигини айтмоқдалар. Шунингдек, "Шпигел" ҳафтаномасига интервью берган немис диспетчерлари швейцариялик ҳамкасбларини 2 дақиқа аввал фалокат ҳақида огоҳлантиришга уринганлар. Аммо, бу пайтда "Skyguide" диспетчерларининг 3 та телефони ишламаётган, тўртинчиси банд ҳолатда бўлган. Яна шу нарса аниқ

бўлдики, тўқнашув юз беришидан 1 дақиқа аввал "Боинг-757"нинг компьютер тизими авария ҳолатини билдириб, тезлик билан пастга шўнғиш кераклигини маълум қилган. Ўз навбатида "Ту-154" нинг ҳам компьютер тизими авария ҳолатини билдириб, юқорига кўтарилиш кераклигини билдирган. Лекин, бу пайтда швейцариялик диспетчерлар "Ту-154"га пастга шўнғиш кераклиги ҳақида кўрсатма берган. Рус учувчилари эса биринчи сафар мазкур кўрсатмани бажаришмаган. Аммо, орадан 14 сония ўтиб авиадиспетчерлар кўрсатмани қайтадан беришган ва бу сафар учувчилар буйруқни бажаришган. Афсуски, мана шу буйруқнинг бажарилиши "Ту-154" ни ҳалокатга олиб келганлиги айтилмоқда. Бугун эса ҳар икки самолётнинг "қора қути" лари очилиб, уларда тўқнашувгача бўлган ҳолатларга янада ойдинлик киритилади. Нима бўлган тақдирда ҳам, кимнингдир хатоси ёки айби билан юз берган фожеа туфайли ҳаводаги



ҳалокатларнинг қурбонлари сони 71 нафарга кўпайди.

Жорий йилнинг май ойида ҳам, 3 та авиаҳалокат юз бердики, унинг иккитаси Хитой давлати аэробусларида содир бўлди.

7 май куни "China Nothern" авиакомпаниясининг "МД-82" самолёти Ляонин вилоятининг шимолий-шарқий қисмида жойлашган Далянь шаҳри яқинида денгизга қулаб тушди. Экипаж капитани самолётнинг бошқарув кабинасида ёнғин ҳосил бўлганлиги ҳақида диспетчерга хабар берганидан 8 дақиқа ўтиб, аэробус қирғоқдан 8 км. ичкарида сувга ғарқ бўлди. Ҳалок бўлган хитойликлар орасида 8 нафар Япония ва Жанубий Корея фуқаролари ҳам бор эди.

25 май куни эса Тайван-Гонконг йўналиши бўйича парвоз қилган "China Airlines" авиакомпаниясининг "Боинг-747" самолёти ҳам 225 нафар йўловчиси билан денгизга қулаб тушди.

Айнан шу куни, Қоҳирадан учган "Миср ҳаво йўллари"нинг "Боинг-737-500" самолёти Тунис аэропортига қўнишига 6 км. масофа қолганида ҳалокатга йўлиққан. Афсуски, бу пайтда унинг бортида 55 нафар йўловчи ва 10 нафар экипаж аъзолари бор эди. Фожеага ёмғирнинг кучли ёғиб, йўлни тўсиб қўйиши ҳамда қумли шамол эсиши сабаб бўлган.

4 май куни Нигерияда бортига 100 нафардан ошиқроқ йўловчи чиққан EAS авиакомпаниясининг "BAC-111-500" самолёти мамлакат шимолидаги Кано шаҳрининг аҳолиси зич жойлашган туманига қулаб тушди. Ҳаракат жадвалига кўра, Жос шаҳридан Лагос томон йўл олган "BAC-111-500" Кано аэропортининг учиш йўлагидан кўтарилгач, ҳавода у ёқдан-бу ёққа чайқала бошлаган. Сўнгра тумшуқ қисми билан шўнғиганича одамлар яшайдиган уйларга келиб урилган. Қулаш вақтида у бир неча бинолар билан бирга, иккита масжидни ҳам вайронага айлантирган. Бош сабаб, самолётнинг мотор қисмида носозлик бўлганлиги ҳисобланиб, унинг бортидаги йўловчилар билан бирга биноларда турган кишилар ҳам ҳалок бўлганлар. Жами қурбонлар сони 148 кишига етган бўлиб, улар орасида мамлакат спорт вазири ҳам бор эди. Нигерияда 1996 йили "Боинг-727"нинг ҳалокати сабаб 142 киши ўлганидан буён, бундай маъшум воқеа кузатилмаган эди. Шунингдек, ўтган апрель ойида ҳукумат авиакомпаниялар учун самолётларнинг хизмат муддатини 22 йил деб белгилаганди.

Қуйида эса 2000 йилдан буён юз берган авиаҳалокатлар ва уларнинг қурбонига айланганлар ҳақида маълумот берамиз.

2000 йил 30 январь — *"Kenya Airways" компаниясининг "А-310" аэробуси ҳам Нигериянинг Логос шаҳрига келаётиб, Атлантикага қулаб тушган. Ва 189 кишининг бор-йўғи 10 нафаригина тирик қолган.*

19 апрель — *Манила —Давао йўналиши бўйича ҳаракатланган Филиппиннинг "Боинг-737" аэробуси манзилига қўнишидан бироз муддат аввал ерга қулаб тушган. Унинг бортидаги 131 кишининг ҳаммаси қурбон бўлган.*

25 июль —*"Air France" Франция компаниясининг товушдан тез учувчи "Конкорд" самолёти ердан кўтарилгач Париж яқинидаги меҳмонхонага бориб урилган. Ва 117 киши ҳалок бўлган.*

23 август — *"Gulf Air" компаниясининг "Airbus" русумли лайнери Бахрайнга яқинлашиб қолганида денгизга қулаган ва 143 киши вафот этган.*

30 октябрь — *Эндигина Тайбэ аэропортидан Лос-Анжелос томон учган "Singapore Airlines" нинг "Боинг-747" самолёти ҳам ерга қулаган ҳамда 179 кишининг 101 нафари тирик қолган.*

2001 йил 3 июль — *Екатеринбург — Владивосток йўналиши бўйича парвоз қилган "Ту-154" Иркутск яқинида ҳалокатга учраши боис, 133 йўловчи ва 10 кишилик экипажнинг барчаси қурбон бўлишган.*

4 октябрь — *Россиянинг "Ту-154" лайнери Тель-Авивдан Новосибирскка келаётиб, ҳарбий машғулот ўтаётган Украина ҳаво ҳужумидан мудофаа кучлари томонидан хатоликка йўл қўйилиб, Қора денгиз устида "С-200"ракетасида уриб туширилган. Ва 78 йўловчи ҳамда экипаж гуруҳи ҳаётдан бевақт кўз юмган.*

12 ноябрь — *246 нафар йўловчини олиб кетаётган "American Airlines" компаниясига қарашли "А-300" аэробуси Нью-Йоркнинг Куинс туманида ерга қулаб тушди.*

2002 йил 28 январь *куни Эквадорнинг TAME компаниясига қарашли "Боинг-727" ҳалокатга учраб, унинг бортидаги 97 киши ҳаётдан кўз юмди.*

12 февраль — *"Iran Air Tours" компаниясининг "Ту-154" самолёти Теҳрондан — Хуррамободга келаётиб ҳалокатга учраган ва ундаги 119 кишининг барчаси вафот этган.*

15 апрель — *"Air China" нинг Пусан шаҳридан Пекинга келаётган "Боинг-767" лайнери тоққа келиб урилиши оқибатида унинг бортидаги 166 кишининг 33 нафари тирик қолган.*

Камолиддин АЛИОХУНОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

2002-2003 ўқув йили учун қуйидаги йўналиш ва мутахассислик бўйича қабул эълон қилади

✓ БАКАЛАВРИАТ:

Шарқ филологияси (араб, форс, ҳинд, урду, пуштун, турк, уйғур, корейс, хитой, япон, тай, малаи, индонез тиллари); чет мамлакатлар тарихи; Марказий Осиё халқлари тарихи ва манбашунослиги; фалсафа (Шарқ ва Ғарб фалсафаси); халқаро муносабатлар; минтақашунослик (Осиё, Европа, Америка мамлакатлари ўлкашунослиги, ички ва ташқи сиёсати, географияси, давлат тузуми ва иқтисоди); жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар.

Мактабда инглиз, немис ёки француз тилларидан бошқа тиллар ўқиган абитуриентлар чет тилидан кўп балли тизим бўйича ижодий имтиҳон топширишлари мумкин.

Аризалар қабул қилиш муддати 20 июлгача.
Тест синовлари барча йўналишлар учун 1 август куни ўтказилади.

Бакалавр босқичи бўйича ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. *Ректор номига ариза;*
2. *Маълумоти ҳақида ҳужжатнинг асл нусхаси (аттестат, диплом);*
3. *086-У нусхадаги тиббий маълумотнома;*
4. *3х4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат;*
5. *Паспорт ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақида ҳужжат шахсан кўрсатилади ва улардаги маълумотлар қайд қилинади.*

✓ МАГИСТРАТУРА:

Адабиётшунослик; лингвистика; таржима назарияси ва амалиёти; адабий манбашунослик ва матншунослик, хорижий мамлакатлар тарихи (минтақалар бўйича); тарихшунослик-манбашунослик ва тарихий тадқиқотлар методлари; исломшунослик ва тарихий тадқиқотлар методлари; исломшунослик; халқаро муносабатлар назарияси ва тарихи; маркетинг бошқариш; минтақашунослик (минтақалар бўйича), халқаро иқтисодий муносабатлар.

Магистратурага кирувчилар бакалавр даражасига эга бўлганлар, дипломли мутахассислар қабул ҳайъатига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

1. *Магистратура мутахассислиги (ихтисослиги) кўрсатилган ҳолда ректор номига ариза;*
2. *Олий маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси ҳамда унинг иловаси;*
3. *086-У нусхадаги тиббий маълумотнома;*
4. *3х4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат.*

Ҳужжатлар жорий йилнинг 30 июлигача қабул қилинади.
Магистратурага ўқишга кирувчилар қуйидаги фанлардан ёзма равишда кириш синовлари топширадилар:
- магистратура мутахассислигига мувофиқ келувчи таълим йўналишининг ихтисослик (профиль) фанлари бўйича;
- демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти асослари бўйича.

Кириш синовлари 2002 йил 5 августдан 10 августига қадар ўтказилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ШАҲРИСАБЗ КЎЧАСИ, 25-УЙ,
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ.

Яхшиларни албат ёдда тутарлар,
Фақат яхшиликнинг бўлмас заволи...

Ўгилнинг бебошлиги, гиёҳвандликка бўлган хоҳиши 3 кишининг ҳаётига зомин бўлди.

КУНЕИРОК ЧАЛИНГУНЧА

(Дам олиш саҳифаси)

ДУНЁ ТУРГУНЧА ТУРСИН ОҚИБАТ...

Ҳамиша навқирон Наманган кишиларининг қалби эзгулик, меҳр-шафқат, саховат туйғулари билан суғорилган. Одамларимиз юзидан нур ёғилади. Суҳбатлашсангиз суҳбатига тўймайсиз. Ўзидан кичикни ҳам сизлайди, сийлайди. Доимо яратиш, яшнатиш орзуси билан банд.

Қуйидаги шеърлар туркуми ана шундай инсонлардан бири, эл корига камарбаста, камтарин инсон Раҳмонжон ака Зариповга бағишлаб ёзилди. Асли касби қурувчи-муҳандис бўлган Раҳмонжон ака кўплаб ҳамюртларимиз қалбида яхшилик биносини қура олди.

Олий мукофотдир инсон деган ном,
Унга лойиқ бўлмоқ сўнмас мартаба.
Умримиз тангридан берилган иньом,
Бу ҳаёт — муаллим, бизлар — талаба.

Ҳа, одамга одам айлаб мурувват
Сиз каби оқибат айласа шиор.
Армон йўламасди ҳеч дилга ҳеч вақт,
Яшариб яшнарди олам бетакрор.

***

Сизнинг кўзингизда мунг кўриб агар,
Ўшал дамда турсам лоқайд хотиржам.
Ахир қандай инсон бўлдим айтинг-чи дўстлар,
Менинг кулфатимга ким бўлар малҳам?!

Биз қачон бўламиз азиз мукаррам?
Меники демасдан, бизники десак.
Савол-жавоб йўқдир кутмас жаҳаннам,
Бу дунё жаннатдир, жаннатдир бешак.

***

Ён-атрофга боққин мундоқ азизим,
Савол бер ўзингга айлаб тафаккур.
Кимларни кўрмади дунёи азим,
Тинмайин бу фалак чархи айланур.

Кетдилар, кетамиз, келиб кетарлар,
Қандай эрур айт-чи, кимнинг аъмоли?
Яхшиларни албат ёдда тутарлар,
Фақат яхшиликнинг бўлмас заволи...

***

Бу дунё тургунча турсин оқибат,
Яхшилар саломат юрсин оқибат.
Яхшилар ёмонлик кўрмасин ҳаргиз,
Фарзандлар роҳатин кўрсин оқибат.

Умр фароғатда ўтсин оқибат,
Ҳамда саодатда ўтсин оқибат.
Оқибат бахтига Раҳмонжонларга,
Толе кетмас давлат тутсин оқибат.

Жамолиддин МУСЛИМ

Илҳом АҲМЕДОВ

СЕГОҲ

(қисса)

Деразанинг энг пастки кўзидаги "Т.С.В" ёзувига кўзи тушган Сафар кўнгли ийиб, ўзининг ана шу "Т.С.В."си ҳақида ўйламоқчи бўлди-ю, аммо кўнглини бундан кўра кўпроқ ийитиб юборган қўшиқ байтлари ҳар қандай фикрни нари суришга ундаб, залворли оҳанги билан вужуд-вужудига бостириб кела берди.

Менман эмди-ю, фано дайрида бўлмоқ майпараст,
Муғбача ишқи улуқа сиррим ифшо қилдило.
Гар ватан дайр ичра топдим, кимсага йўқ ҳеч айб,
Дайр пиридин Навоий бу таманно қилдило.

— Иҳ-ҳим... Қани, келинглар. Сен қимирлама.

Ўша, таниш-нотаниш чолга эргашиб, қоғоз халтача кўтариб олган Тўхтамурод кўринди. Унинг кетидан ҳамиша пўрим кийиниб юрадиган, соядаям сув қайнайдиган даражада бўлган авжи саратонда ҳам бўйнидаги тугунини муштдай катта қилиб тугилган галстуги билан костюмини ечмайдиган, сочини ҳар ҳафта устага қайчилатиб турадиган Воҳид кўринди. Бу ўзи мактабдан шунақа олифта эди. Ҳозир ҳам ҳар эрталаб соқол қиришига қарамай, кечга яқин яна бирор тўймаъракагами, мажлису мавридгами боришга тўғри келиб қолса, бошқатдан совун кўпиртиришдан эринмайди.

Тўхтамурод қўлидаги қоғоз халтачани тумбочка устига қўйиб, Сафарнинг қўлини олди, ҳол-аҳвол сўрашиб, каравот четига ўтирди-да, қўлини унинг пешонасига қўйди.

— Ҳа-а, анча тузалиб қолибсан, иссиғинг ҳам тушибди, — деди у бафуржа ўрнашиб олгач. — Кел, қўрқмай сўрашавер, энди юқмайди-ёв, — деди кейин Воҳид томонга ўгирилиб.

— Ким қўрқаяпти? — аччиқлана бошлади жиззаки Воҳид.

Сафар, ҳазилнинг вақти эмас, демоқчи бўлдию, аммо ортиқча гапиришнинг мавриди эмаслиги учунми ё бунга қурби етмайми, кўз қири билан чол томонга ишора қилди. Тўхтамурод унинг фикрини тушунди: бегона кишининг олдида яхши эмас-да.

— Ҳа, энди, ўтган сафар васият қилиб қолганингдан кейин сал қўрқиб қолдими дейман-да, — ўз хатосини тузатишга киришди Тўхтамурод.

— Васият? — ажабланди Сафар. — Қанақа васият?

Тўхтамурод билан Воҳид бир-бирларига қараб олишди. Демак, бўлиб ўтган гапларни Сафарнинг ўзи эслай олмас экан-да. Балки билмагани, эслай олмагани ҳам яхшироқдир, деб ўйлади Тўхтамурод ва бу ёғини яна бирор ҳазилга буриб юбормоқчи бўлиб, гап ахтара бошлади. Аммо Воҳид пулемётига ўрнатиб тайёрлаб қўйилган ўқли лентани тарилатиб қўйиб юборадиган тепкини босиш учун пайт пойлаб тургандай, валдирай кетди.

— Ҳа-а, болаларим ҳали ёш эди. Тўй қилмоқчи эдим. Афсус, ўзимга шу кунни кўриш насиб қилмаган экан. Жўралар, бир илож қилиб, қўлини ҳалоллашгилар. Вояга етганча хабардор бўлиб турингларингдинг-ку.

Сафар, шунақа гаплар бўлганмиди, дегандай, Тўхтамуродга қаради. Тўхтамурод гапни ўзи бошлаб қўйишга бошлаб қўйиб, энди Воҳиднинг оғзига қопқоқ қўйишга улгурмаганига ич-ичидан афсусланди. Бироқ бўлган иш бўлган, ғишт қолипдан кўчиб улгурган эди. Энди буни Сафарнинг ўзидан яширишнинг иложи қолмаган эди. У нима ҳам қилсин, ҳамма сига ўзлари айбдор. Ўша куни улфатчилик деб Сафарни ароққа роса бўктиришганди. Ўзини билмаган ҳолда уйига келган Сафар шу ётганича қайтиб ўрнидан турмаган, тура олмаганди. Хотини, болалари, ота-онаси икки-уч кун унга қарашишган, ирим-сирим қилишган, охири бўлмагач, доктор чақиришган. Доктор йигитни тамом қилибсизларку, деб зудлик билан машина топтириб, уни бу ерга, касалхонага келтирган. Ўша улфатчиликдан кейин уч-тўрт кун ўтиб, улар бу ҳақда Сафарнинг укасидан эшитиб, хабар олгани бу ерга келишганда, Сафарнинг хотини уларни кўриб, кўнгли тўлиб кетгану ҳўнграганича хонадан чиқиб кетганди. Олтита каравот қўйилган хонада Сафарнинг бир ўзи иситмада куйиб ётарди. Қулоғи остида тинимсиз ғингшиётган чағалай қушларнинг ноаниқ қийчувлари орасидан оромбахш мақом садоларини ҳали тўлатўкис ажратиб ололмаган ўша довул пайтида Сафар уларни кўрганини ҳам, нималар деганини ҳам эслай олмасди.

Тўхтамурод, буларнинг барига гўё Воҳид иккаласи эмас, гўё ўзи, бир ўзи айбдордай, Сафардан кўзини олиб қочди. Воҳид эса, бунга ўзининг ҳечам дахли йўқ ғирт бегона кишидай, яна бир ўқ отди.

— Бир ҳисобдан, кўнглингдагини айтиб қўйганинг ҳам яхши бўлдику-я. Ростдан ҳам ўлиб қолсанг нима бўларди?

Тавба, одам деган ҳам шунчалик бефаросат бўладими, ўйлади Тўхтамурод. Аммо энди унга танбеҳ беришнинг мавриди эмасди. Умуман у билан тортишишнинг фойдаси йўқ, ҳеч қачон ўзини мағлуб деб билмайди, доим ўзини ҳақ деб ҳисоблайди.

— Ҳа, энди, ... Жони оғриётган одам доим энди ўлсам керак, деб ўйлайди-да. Сен ҳам жон аччиғида бир айтдингқўйдинг-да, — деди у нигоҳини ердан узиб. — Мана, худога шукр, анча тузалиб қолибсан. Яна уч-тўрт кун ётсанг, бутунлай соғайиб, кўрмагандай бўлиб кетасан.

— Худога шукр эмиш, — турган жойида бошини сарак-сарак қилди Воҳид. — Муаллим одамнинг гапини қарай-я. Сен атеист бўлишинг керак-ку.

У нарироқда турган стулни олиб, Сафарнинг каравотига яқинроқ келтириб қўйди-да, унинг устига ўтирди.

— Бизга раҳмат дейиш керак, бизга, — ўтиргани ҳамон қўлини пахса қилиб давом этди у. — Худога шукр эмиша.

Сафар беғубор жилмайди. Унинг бефаҳмлиги, оғзига ўнг келган гапни ўйлаб-нетиб ўтирмай, пўртиллатиб отиб юборавериши билса ҳам, кўнгли очиқлигини яхши кўрарди. Рост-да, ичимдагини топ бўлган Тўхтамуродга ўхшаб, кўнглидаги гапни очиқ-ойдин айтишга тили бормай, минг хил мулоҳазаларга бориб, қудуққа ташлангандай қилиб ичига ютиб, ич-этини еб, ўзини-ўзи қийнаб юрганлар кўра, мана бунга ўхшаб шатир-шутир айтиб юбориб, юрагини бўшатиб олгани маъқул эмасми. Буниям тушунган тушунади, тушунмаган ундан хафа бўлиб юраверади.

Бемор дўстининг жилмайиши Воҳидни янада авжлантириб юборди.

— Шу десанг, биз сени кўргани келсак, хонада бир ўзинг ётибсан. Ёнингдаги каравотда хотининг сенга қараш учун ётган экан. Бизни кўриб, йиғлаб ташқарига чиқиб кетди. Сен эса, бизни кўриб, "Жўралар, мен ярим кечга бориб ўзилсам керак", дединг. Кейин васият қила бошладинг. Тўхтамурод, нима бало, ақлдан оздингми, нега бунақа хаёлларга бориб қолдинг, деди. Ахир, мен ётган хонадан бошқа касалларни чиқариб юборишди, мабодо ўлиб-нетиб қолсам, улар қўрқишмасин, деб ўйлашган бўлса керак-да, дединг. Бу гапларингни эшитиб, мен сираям чидаб тура олмадим. Шарт туриб бордиму, врачнинг олдига кирдим. Жўрамизни даволаш ўрнига ажалидан уч кун бурунроқ ўлдириб қўйибсиз-ку, дедим. Нега бунақа дейсиз, деди врач. Шундай-шундай, дедим. Ҳамма гапни айтиб бердим.

— Бу гапни сен эмас, мана бу айтди-ку, — уларнинг гапига аралашди ўзининг каравотида ўтирган чол.

Воҳид, ие, бу ерда ҳали сиз ҳам бормидингиз, дегандай, анграйганича унга тикилиб қолди.

— Сен эмас, мана бу айтдику, — такрорлади чол. — Ўша вақтда мен дўхтирнинг олдида ўтирган эдим.

Воҳид гапини қандай ҳолатда тўхтатган бўлса, худди чақмоқ ургандай, ўша ҳолатда қотди-қолди. У ўзига таниш бўлган бу чолнинг ўзининг феъл-атворига кўникиб кетган, уни худди мана шундайлигича — мақтанчоқлиги, фаҳмига етса-етмаса бировларнинг фикрини ўзиники қилиб гапиравериши натижасида калака қилиш осонлиги учун яхши кўрадиган Тўхтамурод ёки Сафар эмаслигини ҳисобга олмаган эди.

— У "биз айтдик" демоқчи эди, Ҳалим бобо, — деди Тўхтамурод Воҳидни бу ҳижолатликдан қутқариш учун.

... Ҳалим бобо?

Шундагина Сафар бу қирғизбашара, сийрак соқол чолни танигандай бўлди.

— Биз Сафар учаламиз бир одамдаймиз, сенику-меники қилиб ўтирмаймиз, бобо.

— Ҳа, тузук, тузук, — деди Ҳалим бобо бошини ликиллатиб. Лекин барибир унинг Воҳиддан норози эканлиги шундоққина билиниб турарди. — Ўша пайтда мен дўхтирнинг олдида ўтирган эдим. Энди менга жавоб бер, уйга кетаман, қолганини кампирмнинг ўзи даволайди, деб тургандим. Дўхтир сизларга "бекорга хафа бўлаяпсизлар. Жўрангиз тиф бўлган. Уни алоҳида хонага ётқизиш керак. Бўлмаса, бошқаларга юқади", деди. Сен, — чол Тўхтамурод томонга қараб гапирарди, — унда юқумли касалликлар касалхонасига элтайлик" дединг. Дўхтир "Йўқ, ўзимиз даволаймиз. Агар бу касалликдан биздан чиққанлигини юқоридагилар билишса, бизга гап тегади", деб кўнмади. Қарасам, йигит бечорага қийин. Дарров фикримдан қайтдим. "Уйимга жавоб берсанг бердинг, жавоб бермасанг, мени ҳам унинг ёнига ётқизасан. Юқса, мендай шарти кетиб парти қолган чолга юқсин" деб туриб олдим. Бу ёғини ўзларинг кўриб турибсизлар. Энди анча тузалиб қолди. Уч-тўрт кунда оёққа ҳам турғизиб оламан.

Ҳалим бобонинг қутилмаган зарбасидан гангиб қолган Воҳид ҳамон ўзига келолмай турарди. Бошқа одам бўлгандаку, Тўхтамурод, албатта, Воҳиднинг томонини олиб, чолга қарши бирор гап айтган бўлардику-я...

Довулнинг бебош тўлқинлариаро жонга ҳузур бахш этиб кириб келгани каби яна қўшиқ жонга оро кириб, орадаги, эҳтимол, зиддиятлашиб кетиши мумкин бўлган вазиятни юмшатиб юборди. Эндиги қўшиқни Сафар жон қулоғи, бутун вужуди билан тинглар, сўзларини аниқ-тиниқ ажрата билар, мушоҳада юрита оларди. Ҳа, бу туш ҳам, алаҳсираш ҳам эмас, ҳаёт, ҳақиқий ҳаёт эди:

Зулфига майл, эй насимий, анбарафшон айлама,
Тарқатиб юз пора кўнглумни паришон айлама.
Олам аҳли жонига раҳм айлаб эй чобуксувор,
Отланиб усрук, яна оҳанги майдон айлама.
Азми гашт айлаб, тун оқшом ой каби айлаб тулуъ,
Чархнинг юз минг кўзин ҳуснингга ҳайрон айлама.
Заҳмлиғ бағримни юз минг пора айлаб тиғ ила,
Зулмдин ҳар порасин бир қатраи жон айлама.
Деб эмишсан, айлагум ислом элинда қатли ом,
Айлама бу зулмни, эй номусулмон, айлама.
Гар десанг кўнглунгни гардун таҳ-батаҳ қон этмагай,
Хурда майлин ғунчадек кўнглумда пинҳон айлама.
Эй Навоий, базм тузган эрмиш ул гул боғ аро,
То паришон бўлмасун, булбулдек афғон айлама.

Сафар фақат бир нарсани — қўшиқнинг қаердан таралаётганлигинигина англай олмади. Аммо ўзини "вой-эй"латиб юборгани каби хонадаги бошқа шерикларининг ҳам оҳиста тебраниб, Ҳалим бобо бўлса ҳатто кўзларини чала юмгани ҳолда бошини мусиқа оҳангига ҳамоҳанг равишда оҳиста қимирлатиб, ярим мушт қилиб тугилган қўлининг устига иккинчи қўлининг бармоқлари доира чалгандай бўлиб тинглашаётганини кўриб ётарди.

— Ҳамма қўшиқлар ичида ана шу Сегоҳга жонингни бахшида қилсанг ҳам арзийди-да, — деди чол тўлқинланиб, ёстиғи остида ниманидир чирт этказиб босар экан.

Шундагина Сафар қўшиқ ана ўша ёстиқ остидан таралмаётганмикан, деб ўйлади. Бироқ чолнинг ҳаяжони ҳамон босилмаётганини пайқаб, ҳеч нарса сўрамади.

— Биласанми, Тўхтамурод, — давом этарди Ҳалим бобо. — Боягина мен палатамизда бирга ётган, ху-у сизларни чақириб келди-ку, аша ўша Абдурайимга қишлоғимиз номи қаердан келиб чиққанлигини айтиб берган эдим. Буни ўзинг ҳам яхши билсанг керак-а? Яъни, яхшилик томчисининг, аниқроғи, ҳаёт томчисининг энг кичкина, учинчи томчиси бизнинг қишлоққа тушган...

Сафар қулоқларига ишонмай, йиғлаб юбораёзди. Э-э, бобожон, ғойибона суҳбатдош ўзингиз экансиз-у, мен бўлсам...

— ... шундан Се-чак, учинчи томчи сўзи ҳосил бўлган...

— Нега энди? Мен бошқача эшитган эдим-ку, — луқма ташлади Воҳид.

Ҳалим бобо қошларини чимириб, унга савол назари билан қаради. Гарчи Воҳид ўша бефаросатлиги туфайли унинг гапини бўлган бўлса ҳам, ўзининг норозилигини ҳеч бир ҳаракат билан ифода қилмади.

— Қишлоғимиз ўрнида ҳали ҳеч ким яшамаётган вақтда учта ака-ука бу ерга келишиб, учта кўрғон қурган экан. Улар яшашган жойлари аста-секин кенгая бориб, бир-бирига қўшилиб кетибди. Учта кўрғон уч томонда бўлгани учун се чак, учбурчак, улар кенгайиб, сочилиб кетганлиги учун сочак сўзи ҳосил бўлган.

(Давоми бор)

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Бир габроволик баққоллик дўконига бораётиб, йўл бўйи қанча зайтун олсам экан, бир киломи ё ярим киломи, деб ўй сурди. Дўконга кириб:

— Бир кило зайтун беринг, — деди.

— Ярим килодан озроқ бор-да, — деди дўкондор.

Габроволик эркин нафас олиб, кўнглидан ўтказди: "Оббо, икки кило сўрасам бўларкан-а, анча пулни тежаб қолган бўлардим..."

* * *

Профессор:

— Танланг, мен сизга битта қийин ёки иккита осон савол бераман.

Талаба:

— Битта қийин савол бераколинг.

— Айтинг-чи, одам илк бор қаерда пайдо бўлган?

— Ҳиндистонда.

— Шундай деб ўйлайсизми?

— Жаноб профессор, бу энди иккинчи савол-ку...

* * *

Меҳмондорчилик пайти. Бир аёл ўзи ёқтириб қолган жанобга ишва билан деди:

— Мен ёшлигимда анча кўримсиз бўлган эдим, ҳозирда...

— Ҳеч ҳам хижолат чекманг, қиёфангиз жуда яхши сақланиб қолибди.

УМР ЗАВОЛИ

Afsus

Гиёҳвандлик сабаб, қанчадан қанча инсонларнинг нобуд бўлаётганлиги ҳозирги кунда ҳеч кимга сир эмас. Кунда бўлмаса ҳам кунора шу иллат орқасидан юз бераётган фожеалар қулоғимизга чалинади. Бунга кимдир эътиборли, яна кимдир беэътиборгина қўл силтаб қўядилар. Биз қуйида баён қилмоқчи бўлган ҳикоямиз сизларни бефарқ қолдирмаслигини истардик. Илло, у бўлиб ўтган воқеа асосида ёзилганки барчамизни огоҳликка чорлайди.

Тўрт ўғилнинг кенжаси Салимтой охирги пайтларда ўзгариб қолди. Буни онаси Назокатхон ая сезиб ундан хавотир ола бошлади. Лекин кундан-кунга ўғлидаги ўзгаришлар ортиб борганидан кейин, Назокатхон ая буни эри Назарали акага айтишга мажбур бўлди. Ўзгаришни йигитликнинг инжиқлиги деб тушунган ота ўғлимизни уйлантирсак бундай ташвишлардан қутулармиз, деган ниятда тўй тараддудини бошлаб юборди. Лекин на бечора ота, на она Салимтойдаги ўзгаришларга гиёҳвандлик сабабчи эканлигини билишмас эди. Шундай қилиб тўй ҳам бўлиб ўтди. Хумордан зўрға ўзини тутиб юрган куёв болага тўй татимади. У ҳатто келинга қайрилиб ҳам қарамади. Бутун қишлоқда эса Салимтойнинг "соғлиғи" яхши эмас экан, деган миш-мишлар тарқалади. Буни келиннинг янгаси ҳам бир неча бор Назокатхон аяга айтди. Шу каби дашномлардан тўйган ота-она ўғлини даволатиш илинжида, унга пул бериб шаҳарга юбориб турдилар. Пулларни эса Салимтой ўз нафсини гиёҳвандлик билан қондириш учун сарфлаётганлигини улар хаёлларига ҳам келтирмасдилар. Ўғилларининг қўлидаги саноқсиз игна изларини кўрган ота-она, уни даволанаётган бўлса керак, яқинда ҳаммаси жойига тушиб кетади, деб келинни овутишга ҳаракат қилардилар. Икки ўртада эса келин бечора "Қизлик шаъним бузилмай, турмуш қурган, деган тамға оладиган бўлдим" — дея куйинарди. Шундай қилиб вақт ўтаверди, бебош ўғил эса кундан кунга ҳаддидан ошаверди. У отасининг чўнтагидан пул ўғирлайдиган, хотинининг нарсаларини сотадиган бўлди. Бундай шармандаликлардан тоқати-тоқ бўлган ота ўғлининг гиёҳванд эканлигидан хабар топди. Ва, ларзага келган ота ўғлига бир неча бор тарсаки урди, унга чидолмаган ўғил эса ёнғинасида турган ошпичоқни олиб, хотинининг беш-олти жойига аёвсиз тиқиб олди.. Бундай ваҳшийларча содир этилган қотилликка чидолмаган ота ҳам жаҳл устида ўз ўғлини ўлдириб қўйганини билмай қолди. Она бечора эса 2 кун ўзига келолмади. Суд жараёнида ўз айбига иқрор бўлган ота ўша жойнинг ўзида юраги кўтаролмай жон берди. Минг афсуски, ўғилнинг бебошлиги, гиёҳвандликка бўлган хоҳиши 3 кишининг ҳаётига зомин бўлди.

Асқарали МАМАТОВ,
Чортоқ тумани 17-мактаб ўқитувчиси

Xullas...

НУТРИЯГА ЁДГОРЛИК

Сув ҳайвони — нутрияга ёдгорлик ўрнатиб, лабинликлар Гиннеснинг рекородлар китобига "тушмоқчи". Негаки, лабинликлар нутрияга боғоят ишқибоз.

Ёшуллиларнинг таъкидлашича қараганда, биринчи нутриялар бу ерда ўтган асрнинг 50-йилларида пайдо бўлишган. Улар яхши насл беради, овқат танламайди. Нутриянинг мўйнасига гап йўқ, бунинг устига ундан парҳез гўшт ҳам олиш мумкин экан.

90-йилларнинг ўрталарига келиб, ҳар икки лабинликнинг ҳовлисида нутрия! Ана буни кўпайиш деса бўлади. Кам таъминланган оилалар учун эса у ҳақиқий даромад манбаига айланди.

Ҳадемай Лабинда нутриянинг бронзадан ясалган ҳайкали қад кўтарса, ажаб эмас!

ҚАЙТАРИЛГАН ҲАМЁН

Гап ўғирланган ҳамён ҳақида эмас, балки унутиб қолдирилган ҳамённинг ўз эгасига қайтарилгани ҳақида. Аммо бундай олижанобликни мингтадан битта кишигина қилиши мумкин.

Вокзалга отланган тюменлик хоним такси ёллади. Поезд жўнашига атиги беш дақиқа вақт қолган. Оёғини қўлига олиб югурар экан, у ҳамёнининг машинада тушиб қолганини сезмади ҳам.

Аёл сафар учун алоҳида ажратиб қўйган пуллари борлигидан хурсанд бўлса-да, кўнгли ғаш эди. Жанубга қилган сафаридан кўнгли тўлмай уйига қайтган хонимга айнан ўша такси, ўша ҳайдовчи йўлиқиб қолса бўладими?

Ҳайдовчи уни танидию, сақлаб қўйган омонатни йўловчига узатди. Буни кутмаган аёл уни севинчдан қучоқлаб олди. Очиб кўрсаки, бир рубль ҳам пулига хиёнат қилинмаган.

Чин юракдан тақдирламоқчи бўлган аёлни такси ҳайдовчиси кескин рад этди. Унинг фикрича, худо бу яхшилигига ўн баравар жавоб қайтаради.

42 КИЛОЛИК КАРП

Мизич посёлкасида яшовчи Виктор Махамухи оиласига балиқ овида омад кулиб боқди! Тўрга 42 килолик карп балиғи илинди.

Балиқни нимталашга пичоқнинг кучи етмагани учун болтани ишлатишга мажбур бўлдилар. Бошининг ўзи 14 кило! Қанотлари 2 килодан кам тош босмаса керак.

Яхшиямки, Виктор балиқ овига бир ўзи бормаган. Қариндошлари билан 128 см.лик улкан карп балиғини сув ҳавзасидан зўрға судраб чиқишди.

Улкан карп яшаган сув ҳавзаси шакар заводининг ёнгинасида эди. Сув ҳавзасининг неча ўн йилликлар мобайнида тозаланмагани, ўт ва ўсимликларнинг бу ерда кўплиги, албатта, балиқларнинг семиришига имкон яратади.

Викторнинг оиласида ва қариндошлари уйида бир неча кунгача балиқхўрлик авжига чиқадиган бўлди.

ana shunaqa gaplar

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшмаси қўмитаси ва фалсафа факультети жамоаси "Фалсафа тарихи ва мантиқ" кафедраси доценти Р.Каримовга отаси **Раҳмон КАРИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

Низомий номидаги ТДПУ маъмурияти ва жамоат ташкилотлари Университетнинг Табиийёт фанлари факультети декани Парида опа Мирхамидовага онаси **Хамида МИРХОЖИЕВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар С.Раҳимов туман халқ таълими бўлими ва касаба уюшмаси 102-махсус интернатнинг собиқ раҳбари **Саид МУЗАФФАРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.



Қадрли Ортиқ МИРЗАҲАМДАМОВ!

Жамоамиз Сизни моҳир ишлаб чиқариш устаси сифатида эъзозлайди. Бугунги кунда шогирдларингиз ҳаётда ўз йўлини топиб, эл хизматида камарбаста бўлмоқдалар. Сизни 55 ёшингиз билан қутлаб, соғлиқ, омонлик тилаймиз.

Тошкент туризм касб-ҳунар коллежи педагогик жамоаси

Қадрли Саидолим ОРИФХЎЖАЕВ!

Сизни 70 ёшли таваллуд айёмингиз билан самимий табриклаймиз. Ҳамиша соғлик-саломатлик, оилавий тинчлик-тотувлик, доимо навқиронлик тилаб қоламиз.

Сизни қутлар бугун дўсту қадрдон,
70 ёш тўйингиз муборак бўлсин.
Самимий табриклар, ҳамду санолар,
Барчаси, Сизга муборак бўлсин.

Республика Таълим маркази раҳбарияти ва жамоаси

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-629.
Тиражи 24217 Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир: Камолиддин АЛИОХУНОВ,
Навбатчи: Шерзод АҲМАТОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими — 136-55-

Газета материаллари «Ma'rifat—Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—20.00.
Топширилди — 20.00